


Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад
Дўстий

Ўтамиш Ҳожи тарихи

(XVI асрга оид туркий тилда ёзилган
тарихий манба)



ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2009

Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстийнинг «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асари XVI асрда Хоразмда туркий тилда битилган. Асарда Жўжихон авлодларидан бўлган Дашти Қипчоқ хонлари — Сойинхон (асл номи Ботухон), Шайбонхон (Шайбонийхон эмас!), Беркахон, Ўзбекхон ва ҳоказо ҳукмдорлар тарихи қисқача, содда, равон ва қизиқарли тарзда баён қилинган. Бу китоб муҳим тарихий манба бўлиши билан бирга, унинг ўша даврдаги ўзбек адабий ва халқ тилини ўрганишдаги аҳамияти ҳам беқиёсдир. Асарнинг тили ва услуби халқона бўлиб, ўзбек халқ дostonларининг насрий қисмларига ўхшаб кетади.

Ўзбек тарихнависи ва насрининг ноёб намунаси бўлган «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 1552 рақамли қўлёзмаси асосида жорий ёзувда нашрга тайёрланди.

*Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи
Фулом Карим*

ТУРКИЙ НАСР ЁДГОРЛИГИ

Туркий тилдаги Хоразм тарихнавислик мактаби ҳақида сўз юритилганда, кўпроқ Абулғози, Мунис, Огаҳий ва Баёний каби улуғ муаррихлар номи зикр қилинади. Улардан илгарироқ, яъни XVI асрда «Ўтамиш Ҳожи тарихи» номли ажойиб тарихий-бадий асар яратган Ўтамиш Ҳожининг номи ва асари эса кўпчиликка яхши маълум эмас. Бунинг сабаби мазкур асарнинг ғоят кам нусхаларда сақланиб қолгани ва ўзбек олимлари томонидан кам тадқиқ қилинганлигидир. Ҳолбуки, бу китоб ўрта асрлар ўзбек адабиёти ва тарихнавислигининг дурдона асарларидан биридир.

Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланиб қолган. Ўз асаридан унинг XVI аср ўрталарида Хоразмда ҳукм сурган Элбарсхон ва Эш Султонлар хизматида бўлгани, шунингдек, бир қанча ўлкаларга саёҳатлар қилгани маълум бўлади. Ўз тарихий асарини муаллиф шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Эш Султон буйруғига кўра ёзган. Маълумки, шайбонийлар сулоласи вакиллари ўзларини Чингизхоннинг невараси, унинг тўнғич ўғли Жўжихоннинг фарзанди Шайбонхон авлодидан, деб ҳисоблашарди. Шунинг учун Эш Султон Ўтамиш Ҳожига Жўжихон авлодлари тарихини энг бошидан ўзлари яшаётган давргача ёзиб, қоғозга туширишни топширади. Чунки Ўтамиш Ҳожи бу сулола тарихи ҳақидаги ривоятларни яхши билар, мозийга оид суҳбатларда бирон мушкул масала чиқиб қолса, ҳамиша уни чақириб, фикрини сўрашарди.

Жўжихон авлодлари асосан тарихий Дашти Қипчоқ ўлкасида, яъни Балхаш кўлидан Днепр дарёсигача чўзилиб кетган бепоён ҳудудда хонлик қилишганди. Бу мамлакат ўша давр манбаларида Олтин Ўрда ёки Жўжи улуси деб ҳам аталади. Асарини ёзишга киришганда Эш Султоннинг акаси Дўст Султоннинг «Дафтар»ини истисно этганда, Ўтамиш Ҳожи қўл остида ёзма тарихий манбалар деярли бўлмаган. Шунинг учун у ўз асарини асосан ўзи йиғган оғзаки ривоятлар асосида ёзган.

Асарда Жўжихон авлодларидан бўлган Дашти Қипчоқ хонлари – Сойинхон, Шайбонхон, Беркахон, Ўзбекхон ва ҳоказо ҳукмдорлар тарихи қисқача, содда, раво ва қизиқарли тарзда баён қилинган. Бу китоб муҳим тарихий манба бўлиши билан бирга, унинг ўша даврдаги ўзбек адабий ва халқ тилини ўрганишдаги аҳамияти ҳам беқиёсдир. Асарнинг тили ва услуби халқона бўлиб, ўзбек халқ дostonларининг насрий қисmlарига ўхшаб кетади.

«Ўтамиш Ҳожи тарихи» А.З. Тўғон, В.В. Бартольд каби улкан олимлар диққатини жалб этган ва улар асарнинг илмий аҳамиятини қайд этиб, ундаги баъзи маълумотлардан ўз тадқиқотларида фойдаланишган. Аммо асар устида энг кўп ва изчил тадқиқотлар олиб борган олим қозоғистонлик марҳум шарқшунос В.П. Юдиндир. У нашрга тайёрлаб қўйган асар заҳматкаш олим вафотидан сўнг 1992 йилда Олмаотада чоп этилди. Ушбу қимматли нашрга атоқли манбашунос олим академик Бўрибой Аҳмедов масъул муҳаррир бўлган ва сўзбоши ёзган. Мазкур нашр В.П. Юдиннинг ушбу асар маълумотлари асосида ёзган тўртта илмий мақоласи, «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асарининг асл матни фотонусхаси, матннинг илмий транскрипцияси ва русча таржимаси ҳамда изоҳлар ва матншуносликка оид қайдларни ўз ичига олади. В.П. Юдин ўз тадқиқотларида асарнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган нотўлиқ нусхасидан фойдаланган. Афсуски, тадқиқотчи асарнинг илмий доираларда ҳам кам маълум

бўлган иккинчи, тўлиқ нусхасини ўз ишига жалб этиш имкониятига эга бўлмаган. Бу тўлиқ нусхани илк бор А.З. Тўғон 1913 йилда Оренбургда топиб аниқлаган ва муҳожирлик пайтида Туркияга олиб кетган. Ўшандан бери Туркияда сақланаётган мазкур нусха баъзи турк олимлари тадқиқотларида «Ўтамиш Ҳожи тарихи» номи билан тилга олинади.

Асарнинг Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусхаси матни Тўхтамишхон даври воқеалари баёнида узилиб қолган. Агар муқаддимада таъкидланганидек, Эш Султон топшириғига мувофиқ тарзда асар муаллифнинг ўз замонага қадар етказилган бўлса, демак, ундан Жўжихон авлодларининг бундан кейинги бир ярим асрлик тарихи ҳам ўрин олган бўлиши керак. Туркиядаги тўла нусхада соҳибқирон Амир Темур ва Тўхтамишхон орасидаги муҳорабалар тафсилоти ҳам борлигини катта ишонч билан тахмин қилиш мумкин. XVI асрда асосан оғзаки хабарлар асосида яратилган туркий манбадаги Амир Темур фаолиятига оид маълумотлар, албатта, ғоят қизиқарлидир.

Ўзбек тарихнавислиги ва насрининг ноёб намунаси бўлган «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асарининг мазкур қисмларини Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 1552 рақамли қўлёзмаси ва В.П. Юдин тадқиқотлари асосида жорий ёзувда нашрга тайёрладик. Келгусида асарнинг Туркияда сақланаётган қўлёзмасининг фотонусхасини олдиришга муваффақ бўлсак, бу қимматли ёдгорликнинг қолган қисмларини ҳам нашрга тайёрлаб чоп эттириш ниятидамиз.

ФУЛОМ КАРИМ,
*Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти илмий ходими.*

МУҚАДДИМА

Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм... Хизматларида маълум бўлғайким, бу фақир ҳақир Ўтамиш Ҳожи ибн Мавлоно Муҳаммад Дўстий ҳазрати хоқони мағфур маҳдум Ёдгорхон хонзодасининг¹ хоназот бандазодалари ва қадим хизматкорлариндин турур. Ул маҳалда ҳазрати султон ул-аъзам ва-л хон ул-мукаррам ал-мағфур би-иноятил моликил маннон Абул Мансур Элбарс баҳодирхон хизматларинда бўлур эрдим. Чун булар Чингизхон набиралари эрди ва мен бу хонадоннинг неъматини бирла фарварда (парварда) бўлуб тилар эдимки, камоҳақ² билсам, Чингизхон ўғлонлариндин ул Дашт вилоятинда³ хон бўлгондин сўнг ким хон бўлди ва андин сўнг не вақтга тегру⁴ не тартиб бирла кимлар хон бўла келдилар ва буларнинг орасинда не турлик уруш ва не турлик можаролар кечти — буларнинг барчасин камоҳақ билсам. Таворихларки⁵ кўрдим, буларнинг бир озроқининг отлари битиклик эрди ва бас. Не иш бирла ва не кайфият бирла хон бўлгонлари мазкур эрмас эрди. Чун манга доия⁶ ул эрдиким, буларнинг аҳволиндин

¹ Яъни, мархум Ёдгорхон ўғлининг.

² Камоҳақ — ҳақиқатда қандай бўлган бўлса.

³ Яъни, Дашти Қипчоқ вилояти ёки Жўжи улусида.

⁴ Тегру — қадар, довур; -гача.

⁵ Таворихлар — тарихлар; тарих китоблари.

⁶ Доия — мақсад, ният; даъво, ирода.

камоҳақ билсам, бу жиҳатдин ўтруким, фалон киши қари сўзни яхши билур тесалар, албатта андин бориб таҳқиқ ва тафтиш қилур эрдим ва ақл тарозусиға мувозана қилиб маъқулин хотиримда гизлаб, номаъқулни бартараф қилур эрдим. Андоғ бўлдиким, ҳар мажлисда қадим подшоҳлар сўзидин сўз кечиби, мушқуле¹ воқеъ бўлса, биз фақирдин келиб тафтиш ва таҳқиқ қилур бўлдилар ва мен бу суҳбат бирла машҳур бўлдим.

Бу аснода ҳазрати олий хони мамлакат паноҳ, зилли Оллоҳ², сарвари салотини жаҳон ва раҳбари маъракайи майдон, хилофат тахтининг хусрави ва шижоат майдонининг Рустами – шеър:

Улки майдон ичра бир кун Рустами Достон эрур,
Сир дарёсича салотин паноҳ Эш султон эрур,
То жаҳон боринча бўлғай ул шариф зоти анинг,
Маъдани жуду (сахийлик) карам ҳам манбаи эҳсон эрур.

Халладаллоҳу таоло мулкаҳу ва аййада салтанатуҳуға³ доия бўлдиким, Йўжихон (Жўжихон) ўғлонларининг аҳволот ва кайфиятларини ва тартиб бирла ва не кайфият бирла ораларинда не турлик урушлар, не турлик можаролар бўлғонин – барчасин маълум қилиб хотирларинда сақларға рағбат қилиб, ул жиҳатдин бу фақирни ҳақирни чорлатиб келтириб, андоғ инояту шафқатлар қилиб, булар аҳвол-кайфиятлариндин сўрар эрди. Чун ҳикоят кўп эрди, кўрдиларким, эшитмак бирла забт қилмоқ бўлмас. Охир ҳукм қилдиларким: «Менга бу ҳикоятларни китобат қилиб берингиз», – теб. Чун фақир аларнинг бандазодалари эрдим, ҳукмларин ўзга қила олмай, бу амри хатни ихтиёр қилдим.

¹ Мушқуле – бирон мушқулик, қийин масала.

² Зилли Оллоҳ – Оллоҳнинг сояси.

³ Оллоҳ мулкани паноҳида сақлаб, салтанатини барқарор қилсин.

Ал-маъмур-маъзур¹.

Фараз бу муқаддимотдин ул турурким, бу нухани ҳақирдин ўқуғон ва эшитган азизлардин ва улуғ-кичикдин, ёронлардин илтимос улдурким, бу сўзлар, бу ҳикоятки, бу нухада битилди, ҳеч дафтарда ва ҳеч таворихда йўқ турур. Барчасин эшитмак бирла битиб турурмен. Машҳур турурким, қулоқ эшитган сўзнинг кўпраги ёлғон дерлар. Ногоҳ, агар хатоси ё ғалати воқеъ бўлмиш бўлса, ғалатни чиқариб хатосини рост қилсалар. Тақи фақирни бу ишим маъмуриғидин маъзур билсалар, индаллоҳда зое бўлмағай. «Инна Оллоҳу ло юзиъу ажрал муҳсинина»².

ДОСТОНИ ЧИНГИЗХОН

Чун Чингизхон вилоятларни фатҳ қилди, бир тарафи Ҳиндистон, бир тарафи Дашти Қипчоқ ва дарёи Эдил³ эрди. Бу вилоятларни тўрт-беш ўғлига бахшиш қилди. Ироқ вилоятини Ҳалокухонға⁴ берди. Ўғодойхонни ўз вилоятинда қўйди. Тулихонни ўз қошинда сақлар эрди, Чифатойхонга Бухоро ва Самарқанд, Хуросон ва Ҳисор вилоятларини берди.

Аммо Йўжихон барча ўғлонлариндин улуғроқ эрди, азим лашкар қўшиб Дашти Қипчоқ вилоятиға салғаб юборди. Отларинга ем бўлсин, теб Хоразм вилоятини берди. Чун Жўжихон Дашти Қипчоқ вилоятинғаки, мутаважжих⁵ бўлди, Улуғтоғки машҳур турур, анга етишдилар. Бир кун тоғ орасинда ов овлайи чиқиб эрди. Бир бўлак марал-кийиклар йў-

¹ Буйруқ олган киши маъзурдир.

² «Албатта Оллоҳ яхшилик қилгувчиларнинг амалларини зое қилмас» — Қуръон, «Тавба» сураси, 121-оят.

³ Эдил — Волга дарёсининг қадимий номи.

⁴ Ҳалокухон аслида Чингизхоннинг неварасидир.

⁵ Мутаважжих бўлмоқ — жўнамоқ, отланмоқ.

луқди. Ани қувалаб отарда отдин йиқилиб, бўйни синиб вафот бўлди.

ЭЖОНХОН ВА СОЙИНХОН

Эжонхон бирла Соийнхон машхур турур. Туралихон қизи заифасиндин тугғон эрди. Яна ўн етти ўфилким ўзга заифалариндин бўлуб эрди. Бу Эжон бирла Соийн хонлиқни бир-бирисига муроёт қилдилар. Соийнхон кичик эрди, оғаси Эжонга айди: «Отам ўрнига оғомсен, ҳамон отам турурсен. Ёт юртга бора турурмиз, хон бўлғил». Эжон айди: «Менинг сендин ёшга улуғ эканим рост. Аммо отамиз сени бисёр суюб, эрка ўстириб эди. Бу чоқга тегру сенинг эркалигинг ва маҳолларингни чекиб турурмен. Шоядки, хон бўлсам, бурунқитек маҳолларингни чека олмағаймен. Тақи орамизда уруш-адоват бўлғай. Сен — ўқ хон бўлғил, сенинг хонлиқингга мен чидармен. Аммо менинг хонлиқимга сен чидамассен». Соийн «ул теган не сўз бўлур? Ясоқли оғом турғонда менга на ўхшарки хон бўлғаймен», — деб оғосига кўп таклиф қилди. Қабул қилмади эрса, айди: «Бўлмаса бир иш қилоли. Улуғ бобомиз Чингизхон қошига бороли. Мен ҳам сўзимни арз қилайин, сиз ҳам сўзунгизни арз қилингиз. Ҳар не бобомиз ёрлиғи бўлса, анинг бирла бўлоли», — теди эрса, бу сўзни маъқул кўриб қабул қилди. Бир онадин тугғон икки ўфил ва ўзга онадин тугғон ўн етти ўфил барчаси қўшилиб, улуғ хон кўринишига бордилар. Буларки хонни хизматиға етишдилар, хон буларга уч ўрга (ўтов) солди. Олтин бўсағали оқ ўргани Соийнхонга солди, кумуш бўсағали кўк ўргани Эжонга солди, пўлат бўсағали бўз ўргани Шайбонга солди. Уч ерда Шайбонхон ўғлонлари Тўхтамишхон била Темур Қутли ва Ўрусхон ўғлонлариға фахр қилиб мақтанурлар: «Биз сизлардин ортиқ турурбиз», — теб. Ул бири — ўрга турур. Айттур-

лар: «Отамиз Йўжихон ўлгандин сўнг улуф бобомиз қошинға оталаримиз бордилар эрса, Эжон бирла Сойиндин сўнг бизнинг отамиз Шайбонхонға ўрга солди. Сизларнинг оталарингизға талаган¹ ҳам солмади», – теюрлар. Тақи иккинчи улким: «Ўзбекхон қаҳр қилиб, Қиёт Исатойға ўрум четиб (иноят кўрсатиб), барча ўғлонларини эл-кунлари била қўшун берди эрса, ул тақи бизни иззат ва ҳурмат қилиб: «Қилич чобқон, юрт очқон Эр Шайбоннинг ўғлонларидур», – теб икки боғлиғ элни бизга берди: бири қорлиқ, бири буйрак турур. Ул икки элни олиб Сойинхон солғон юртимизда ўз ҳолимизға қўйғондур. Биз ул Жир Қутлининг кошонасиға тош кирпич (ғишт) қўйғонда ва тақи ўғли Тенгиз Буғонинг эшикинда қўрлаб (қўр тўкиб) ўтокина (ўтови остонасиға) юкунганда – ул ишларда биз йўқ турурбиз», – теюрлар. Улким Сойинхон ўғлонлари Бердибекхонда тамом бўлди эрса, Жонибекхоннинг онаси Тойдуволи бегим: «Эмди юрт тақи хонлиқ Шайбонхон ўғлонлариға тегар», – теб Манқутой ўғли Хизрхонни унда тиб элтиб, Сарой вилоятинда хон қилди. Сойинхон ўғлонлариндин сўнг ул хон тахтинда хонлиқ бизга теккандур, терлар. Бу бир дафъа сўз мунда тақриб бирла айтилди. Эмди келдик яна аввалқи сўзнинг бошиға.

Чун Чингизхон ўғлонларига ўргалар солиб, ул ахшом (оқшом) йўсун-қўналғани ҳисоб ясади, тонгласи кўруниш берди. Ўн икки қўр тузилди ва беклар берйак (тартиб) бирла ўлтурдилар. Жавлон чекиб, ош-таом ейилгандин сўнг Сойинхон қайтиб юкунди, тақи айди: «Отамиз ўлди эрса, ўрниға ҳамон отамсен. Ёт юртға бора турурбиз, хон бўлғил», тедим. Қабул қилмадилар. Не жиҳатдин қабул қила олмағонларини

¹Талаган – усти ёпиқ арава. Рус тилидаги «телега» сўзи ҳам туркий тилдан ўтган.

била олмаймен. Бу арзимни сизга айтайин теб келдим», — теди. Хон айди: «Сойин ясоқли сўз айта турур, на учун қилмадинг?» Эжон ҳам юкуниб айди: «Балли хоним! Ёшға улуғ эканим рост. Валеикин отамиз ани бисёр суюб эрка ўстириб эди. То бу чоқға тегру мен анинг маҳолларин чеккан эрдим. Ул менинг маҳолимни чеккан эмас эрди. Хон бўлсам, бурунқитек анинг маҳолини чека олмағаймен. Орамизда гина ва адоват бўлғай. Сизнинг кўзингизга ёмон кўринурмен. Бу жиҳатдин қабул қилмаймен. Эмди ул — ўқ хон бўлсин. Мен анинг хонлиқинға чидармен», — теди эрса, хоннинг бу сўзларга кўнгли бузилиб, ўғли Йўжихон ёдиға тушиб, кўзлариндин ёшлар оқитиб, иккисига тақи кўп дуо-олқишлар қилди, тақи айди: «Тонгла беклар бирла кенгашиб сизларга жавоб берали». Тонгласи беклар бирла кенгаш қилиб ўнг қўл¹ бирла Эдил дарёсидағи вилоятларини хон йўсуқина Сойинхонға берди, сўл қўл бирлан Сир дарёси бўйинудоқи вилоятларни Эжонга бердилар.

Хон кўрунишиндин қайтиб хон солғаған вилоятларинғаки келдилар, Сойинхон Эдил дарёси бўйинунға келгач, черик яроғин қилиб Ўрус вилоятининг шахри Маскавга юриди. Айтурлар, ул юришда Шайбонхонға ўттиз минг киши қўшиб қоровул юборди, ўзи сўнгинча юрур эрди. Уч кунлик ерга илгари юрур эрди. Маскав подшоҳи хабар топди, юз элик минг киши бирла қаршу чикди. Булар хабар топдилар, Маскав подшоҳи қаршу кела турур теб. Шайбонхон: «Мунинг устинга илғармен»², — теб айди. Ҳар неча беклар ман қилдилар, қабул қилмади. Уч кунлик ердин илғор солиб, беҳабар ётғон лашкарининг ичинга иниб келди. Ўрус подшоҳи боса олмай, подшоҳини тутди-

¹ «Қўл» сўзи бу ерда йирик аскарий бирлашма, яъни «корпус» маъносидадир.

² Яъни «илдам юриш қиламан».

лар. Лашкарининг ўлтурганин ўлтурдилар, қолғонин ясир қилдилар. Чандон молу яроғ, жиба-жавшан (совут-қалқон) тушуб эди, ҳеч ҳисоби ва китоби йўқ эрди. Аммо Шайбонхон ҳукм қилдики: «Ҳар мол ва яроғки, ҳар кишига тушубтур, дастёби олиб қолмасинлар, барчасин келтурсинлар». Айтурлар, ҳар жинсдин бир хирмон қилдилар: беҳисоб хирмон бўлуб эрди. Икки кундин сўнг хон етишди, бу фатҳу нусратни кўрди. Бу мол-яроғларни барчасини келтириб чекдилар. Бисёр хушҳол бўлиб, Шайбонхонга кўп офарин қилдилар. Андин сўнг Шайбонхонки, келиб кўрунишлар қилди эрса, кўп турлик иноят ва шафқатлар қилиб, суюрғоллар инъом этди. Тушган молу яроғнинг барисини Шайбонхонга суюрғол қилиб, барисин ўз лашкарига бахшиш қилди. Тонгласи кўчиб Маскав вилоятига бориб кирдилар. Бир неча ой анда бўлуб, вилоятнинг ишин-кучин забту рабт қилиб, мол-хирожин қабул қилдириб, доруға-ҳокимлар қўйиб, музаффар ва мансур ўз вилоятинга қайтдилар. Басе, булар қайтиб келгунча Эжонхоннинг навқарлари эясига (эгасига) осий бўлиб, Эжонхон тамом ўғлонлари бирла ўлтуруб эрди. Бу хабарки Сойинхонга келди, улуғ мусибат тугди. Эвига (уйига) тушиб об-ош бергандин сўнг черик яроғини қилиб бу ёғий устинга юриди. Булар ҳам туруш бермай, улуғлари қочди. Ўзга эл-куннинг барчасин кўчириб олиб келиб ўз элига қўшди. Тақи ҳар аймоқни бир бекқа қўшун берди...

Басе Сойинхон бу вилоятлар била бу элларники забт қилди, андин сўнг барча қариндошларинга эл-кун бериб, ер-юртлар тайин қилди. Аммо Шайбонхонга эл-кун берур, вилоятлар берур чоқида беклари бирла кенгашди эрса, беклари айди: «Бу киши бисёр улуғ иш қилди. Ҳоло мунинг кўнгли ўсиб турур. Мунга эл-кун, вилоят бериб, ўз қошингда сақламоғинг ўхшамамай. Ул ўттиз минг кишига яқинни

анга айирдинг, ул кишини яна лашкар қўшиб боқ-магон (тобе бўлмаган) вилоятларга юборгил. Ҳар не вилоятки, боқдурса, анинг бўлсун». Бу сўз хонға маъқул келиб ул тобун қилғон ўттиз минг кишига яна ўн минг қиёт юролдайни қўшиб, Қирим – Каффа вилоятлариға салғаб юборди.

ДОСТОНИ ШАЙБОНХОН

Шайбонхоннинг ажойиб ва ғаройиб ишлари бисёр турур. Ул жумладин бир ишни бу мухтасарда¹ ёд қилдик. Ул бир иши ул эрдиким, Қирим вилоятинда Қир ери теган хоро² офарин берк қалъа бор турур-ким, анинг берклиги ва мазбутлиқи оламда машхур турур. Неча йиллар қабаб (қамал қилиб) уруш солдилар, ола билмадилар. Охир ҳукм қилдиким, ахшомдин сўнг тонг отқунча ҳар не ким овоз қилур, ани бир-биринга чақишдура бошладилар. Пақир-қозонларини, табақларини ва чанокларини ура бошладилар. Қўлнинг ичинда (қўшин орасинда) бу садо ва аломатлар қўпдиким, ер-кўк зилзилага келди, қулоқлар тунди. Қалъа халойиқлари саросар ангтанг бўлуб, ҳар сору югурушдилар: «Не ҳол бўлди?» – теб. Ул ахшом тонг отқунча ул садо ва ул ғавғо тинмади. Қалъа халойиқлари ҳам ётиб ухламадилар. То тонгки отди, бас қилдилар. Яна ахшомки бўлди, бояқитек яна аломат ва ғавғо қўпордилар. То бир ҳафта-ўн кунга тегру иш-кучлари бу бўлди. Қалъа халойиқлари уйқусизликдин хароб бўлур эрди. Бу ғоятга тегру айтурларким: «Агар бир иш қилур бўлса, қилур эрдилар. Шояд, буларнинг бу ойларда ва бу кунларда расми ва одати бу тариқа бор бўлғай», – теб фароғат бўлдилар. Чун Шайбонхон билдики,

¹ «Мухтасар» сўзи бу ерда «қисқача асар» маъносидадир.

² Хоро – метин, гранит: хоро офарин – метин-мустаҳкам.

булар фароғат бўлдилар, лашкарин йиғдурди. Айтурларки, ул қалъа бир яланг қоянинг устинда турур. Бу ахшом ғавғо ва садони кўпроқ қилди. Қалъанинг тўрт ёнидин чоқурлар солди. То тонг отқунча бир киши чиқар чоғли йўл қилдилар. Қалъа халойиқлари ғавғо ва садо жиҳатидин метин овозин маълум қилиб хабардор бўла олмадилар. Йўлак тайёр бўлгач, дарвозага уруш солдилар. Қалъа халойиқлари югуриб дарвозага келдилар. Бир жамоат баҳодирларни ул йўлга тайин қилиб турдилар, ул йўлдин югуриб чиққач, қалъага ўзин солдилар. Тақи қалъани олдилар. Ул қалъани кўрган раванда (сайёҳ) лардин сўрадуқ, ҳануз ул йўлнинг ҳудуди бор турур тедилар. Андин сўнг Улоқ вилояти устинга юридилар. Ани фатҳ қилдилар. Андин Кўрол вилояти устинга юриди. Кўрол азим улуғ вилоят турур. Анинг кўп урушлари бўлди. Оқибат фатҳ қилиб, Кўролни пойтахт қилди. Анда вафот бўлди. Тақи ҳоло (ҳозирда) Кўрол подшоҳининг авлоди турур. Шайх Аҳмадхон неча йил анда тутқун бўлуб, яна андин саломат чиқиб, ўз вилояти Ҳожи Тархонга (ҳозирги Астрахан) келди. Ул айтур экандур: «Бизнинг ўзбек тоифасинда ҳарки ўмоқли элки, бор турур, барчасидин анда бор турур. Шайбонхон бирла бориб, анда қолиб турурлар».

Шайбонхон ҳикоятинки тамом қилдик, яна келдик Сойинхон ҳикоятига. Сойинхон Дашт вилоятида улуғ подшоҳ бўлди, неча йиллар давлат-саодат била подшоҳлик сурди. Чун ажал етишиб дунёдин нақл қилди эрса, икки ўғли бор эрди: бирининг оти Соритоқ, бирининг оти Тўғон эрди. Соритоқ ўзиндин бурун саккиз ёшда ўлиб эрди. Тўғон тақи ёш қолди. Беклар иттифоқ бирла Ҳалокухонга элчи юбордилар, қиличсиз ғилоф, ёқасиз кўнглак юбордилар, яъни эл қолди — подшолари йўқ, заифалари қолди — эрлари йўқ. Ҳалокухон бу хабарни эшитди эрса, отланиб Ширвон вилоятига келди. Тақи азим лашкар яроғин қилиб

қўшун юборди. Бу лашкар ҳануз келмакда, биз келдик Беркахон алайҳир раҳма ва-р-ризвон ҳикоятинга.

ДОСТОНИ БЕРКАХОН

Беркахони мазкур алайҳир раҳма машҳур турур. Онасиндин тугғондин бери мусулмон эрди. Ул маҳалдаки дунёга келди ўз онасининг сути, тақи ўзга кофир заифаларнинг сутини эммади. Бу жиҳатдин қоҳинлар бирла билгаларини бақтурдилар. Улар айдилар: «Бу муҳаммадий турур. Муҳаммадия кофир заифа сутини эммаз», – тедилар эрса, бир мусулмон заифа файдо (пайдо) қилиб келтирдилар. Анинг сутини эма бошлади. Бу воқеадин неча йилдин сўнг отаси Йўжихон ўлди эрса, кофирлар орасида юрий билмай, Сигноқ шаҳринга келиб эрдилар. Ул вилоятгаким келдилар, шайхул олам Сайфиддин Бохарзийки, ҳазрат қутб ул-ақтоб Шайх Нажмиддин Кубронинг халифалариндин турур, уларнинг авсофи ҳамидаларини (мақтовли сифатларини) эшитиб, иштиёқ ва рағбат билан хизматлариға неча йиллар риёзатлар чекиб, авлиёларда камолининг ниҳоятини ҳосил қилиб эрди. Ҳануз шайхнинг хизматларида эрдилар, бу аснодаки Сойинхон ўлди, беклари иттифоқ қилиб, Ҳалокухонга элчи юбордилар. Бир кун ҳазрати шайх Беркахонга айдиким: «Эй фарзанд! Худойи таолонинг амри андоғ бўлдики, сен бориб оталарингни юртинда подшоҳлик қилғил». Беркахон теди: «Сизнинг хизматда табоғиймен!¹ Тақи яна бориб дунёнинг подшоҳлиғина, тақи машаққатина ўзимни солғаймен?!» Шайх айди: «Агар тафарруқиға² тушарсен, агар машаққатина тушарсен, худойи таолонинг тақдиринга чора йўқ турур», – теди эрса, хони мазкур ҳам бечора бўлуб

¹ Яъни, сизнинг хизматингизда бўламан.

² Тафарруқ – айрилиқ; жудолик.

қабул қилди. Бир неча кун яроғ қилиб чиқдилар. Ҳазрати шайх Бухородин Қоракўлга тегру узата келди. Хон шайхнинг жиловида фиёда (пиёда) келдилар. Қоракўлдин шайх дуо қилиб қайтдилар. Хон Дашт вилоятинга мутаважжих бўлдилар. Ҳожитархон вилоятинда Ҳожи Ниёз теган давлати машхур киши бор эди, ул айгур эрди: «Ҳазрати хон Қоракўлдин саккиз киши бирла чиқиб, Дашт вилоятинга юрдилар. Ул саккиз кишининг ҳар бириси минг уйга отом (бошлиқ) турур эрди».

Чун хон алайҳир раҳма Қоракўлдин чиқиб Урганж келди, Урганждин Саройчуқ борди. Айтурлар, Саройчуқга борғонда беш юз киши жам бўлдилар. Саройчуқдинки ўтдилар, Эдил дарёсининг ёқасинга еткунча минг беш юз киши жам бўлдилар. Чун Эдил дарёсининг ёқасингаким келдилар, хабар топдиларким, Ҳалокухон азим лашкари билан Қулзум (Каспий) дарёсини¹ ёқалаб кела турур, теб. Бу йифилғон лашкари бедил бўлуб (юрак олдириб), барчаси иттифоқ қилиб айдиларким: «Ҳалокухон улуғ подшоҳ турур ва азим лашкари бор. Биз оз киши турурбиз. Анга ўтру чиқиб урушмоқимиз маслаҳат бўлмағай». Айтурлар: Ул ҳолда хоннинг алинда (қўлида) бир қопсиз (филофсиз) қалқон турур эрди. Баъзилар айтур эрди: бир қопсиз тўлға (дубулға) турур эрди. Бир қўйнинг ошуқи ҳам ҳозир эрди. Хон буларнинг жавобинда айдиким: «Мен ўз раъйим, ўз фикрим билан юриган киши эмас эрдим. Сизлар менга инонмай турурсиз. Ҳоло бу ошиқни қалқоннинг ё тўлғанинг қуббасинга ўз қўлимиз билан ўмқа қуйсак, худ тўхтамас. Эмди сизлар бирла биз бир шарт қилоли. Мен бу ошуқни бу қалқоннинг ё тўлғанинг қуббаси уза урайин. Агар буларнинг қуббаси уза ўмқа турса — худ билинги, бу ёғийни мен босармен

¹ Дарё сўзи «денгиз» маъносини ҳам англатади.

(енгаман). Худойи таоло менга берур. Агар ўмқа турмаса, ҳар не сизнинг айтғонингиздин чиқмайин». Бу жамоат ҳам айдилар: «Агар ўмқа турса, биз ҳам сизга якжиҳат бўлоли, то жонимиз боринча». Хон алайҳир раҳма ошуқни қўлиға олиб, Оллоҳ таолони ёд қилибки урди, қуббанинг устинда рост ўмқа турди. Бу ҳолатни кўрдилар эрса, кўнгуллариндин шакшубҳани кўтариб барчаси муте ва фармонбардор бўлуб, Эдил дарёсини кечиб, Қулзум дарёсини ёқалаб, Ҳалокухон лашкаринга ўтру юрдилар. Ул йўлда Қулзум дарёсидин шохча-шохча сувлар чиқар, йўл ул сувларнинг бошларин кеса кетар. Қумли бийик тепалари бўлур. Фақир ул ерларни кўрган турурмен, «Қирмажоқ» терлар. Андин нари дарёдин шохча сув чиқмас турур. Анинг бир улуғ тепаси бор. Беркашоннинг қоровуллари ул тепага чиқдилар. Ширвон тарафидин азим гард пайдо бўлди. Хонға хабар келтурдиларким: «Ёғийнинг гарди пайдо бўлди, ҳеч учкироғи йўқ турур», — теб. Бу беклар яна бедиллик қила бошладилар. Хон айдилар: «Мен ул тефага чиқайин. Сизлар мундин қараб туринг, тақи худойи таолонинг қудратин кўрунғиз. Агар ёғий келиб мени олур бўлса, сизлар мундин — ўқ қочғайсизлар». Булар ҳам қабул қилиб турдилар. Хон тепа бошинға чиқди. Оз замондин сўнг ул тарафдин лашкар пайдо бўлди. Гуруҳ-гуруҳ, қўл-қўл бўлуб келур эрдилар. Ҳаминки яқин келдилар, тақи муқобаласинда ясол¹ чека бошладилар. Чандон ясол чекиб турдилар, лашкарнинг ўнги ва сўнги етишди. Лашкарнинг қироғин кўрса бўлмас эрди. Ул аснода ҳазрати хон уч каррат қамчисин силтади, тақи ёғийға ўтру от солди. Ҳануз тепадин ошоқ (қуйи) инмайин, худойи таолонинг қудрати бирла ёғий лашкари бузулди, тақи қочди. Хоннинг лашкари бу ҳолатни кўрди эрса, хон сўн-

¹ Ясол — жанговар саф.

гиндин от солдилар. Неча кун қувиб, ўлтурганин ўлтуруб, ўлтурмаганин асир қилиб қайтдилар. Отларин-яроғларин тамом олдилар. Ул тушкан кишилардин сўрар эрдилар: «Сиз ул тепа бошиндақи бир кишидин нечук қочдингиз?» Улар айтур эрдилар: «Ул бир кишиким тепанинг устунда чиқиб турур эрди, анинг икки ёнинда икки улуғ лашкар бисёр турур эрди. Ҳар нечаларким қаралар эрдук, ул икки лашкарнинг учини тақи қироғини кўра билмас эрдук. Йироқ ясол чекиб турғонимиз ул жиҳатдин эрди. Чун ул тепадаги киши бизга от солди, ул икки азим лашкар ҳам от солдилар. Хаёл қилдукким, ер-кўк устумизга йиқилиб кела турғонтек бўлди. Ул жиҳатдин тура билмай қочдик». Ҳазрати хоннинг бу каромати халқ орасинда машҳур турур. Баъзилар айтурлар: «Ҳалокухон бу лашкарнинг ичинда эрди. Бу лашкар босилғонда ўлди, ҳеч киши анинг ўлганидин хабардор бўлмади». Аммо ҳазрати Дўст Султоннинг таворихларида айтиб турурлар: «Бу лашкарки босилиб борди, ғуссасиндин хаста бўлуб, икки ойдин сўнг ўлди». Ва Оллоҳу аълам (Оллоҳ билгувчидир).

Чун Дашт вилоятики Беркахонға мусаллам бўлди, аксари кўп кофирларни мусулмон қилди. Баъзилар ўн уч йил, баъзилар ўн олти йил подшоҳлик қилди, теб турурлар. Андин ҳақ раҳматига восил бўлди. Ҳазрати хондин насл қолмади. Юқорида мазкур бўлуб эрди, Сойинхоннинг икки ўғли бор эрди, бири Соритоқ, тақи бири Тўғон эрди. Соритоқ отасидин бурун саккиз ёшларида ўлди. Тўғондин икки ўғул қолиб эрди: бирининг оти Туда Менги, яна бирининг оти Мунг Темур. Бу Мунг Темур ёш эрди. Аммо Туда Менги агарчи йигит етилиб эрди, вали беақл, бисёр девона киши эрди. Сойинхон наслидин мундан ўзга киши топмайин, беклар иттифоқ қилиб машоралайҳини (яъни, мазкурни) хон қилдилар. Мундин ажойиб ва ғаройиб сўзлар, турфа ҳикоятлар

бисёр турур. Аммо бир-икки бу мухтасарда ёд қилинди.

Айтурлар: бир вақтда Туб (Тибет) хоңдин элчилар келди. Беклари иттифоқ қилиб хони мазкурга айдилар: «Бу йироқдин келган элчи турур. Мунунг кўзунча паришон иш қилмағил. Хонининг саломатлигини сўрғил. Тақи элнинг рафоҳиятлиқини (фароғатлигини) сўрғил. Ўзга сўз сўрмағил». Яна айдилар: «Сизнинг ўзунгизга ихтиёрингиз йўқ турур. Сизнинг оёқингизга бир ип тақали. Тақи тахтнинг остинга бир киши кириб, ул ипни тутуб ўлтурсун. Ҳар гоҳки, бизнинг бу насиҳатимизни унутиб, паришон сўзлай бошласангиз, ул ипни тортсин. Ул ҳолда сўзламакни бас қилғайсиз», — тедилар эрса, ул ҳам қабул қилди. Айтурлар: «Анинг бир яхши иши ул эрди, бовужуди ул девоналиқи бор ҳам, ҳар ишники беклар иттифоқ қилиб анга тесалар, ани қабул қилиб уларнинг сўзиндин чиқмас эрди». Ул жиҳатдин ўн саккиз йил Дашт вилоятинда подшоҳлик қилди.

Эдикубий раҳматуллоҳу алайҳи айтур экандур: «Душманингизга ёмон дуо қилур бўлсангиз, бу тариқа дуо қилингизким: «Бори худоё, менинг душманимни биликсиз қилғил ва тақи билганларнинг ҳам тилинга инмас қил». Агар киши ўзи билмағай, билганларнинг сўзига ингай, ул ҳамон биликлик турур, анинг тафовути йўқ турур», — дер экандур.

Алқисса, тонгласи элчига кўруниш бердилар. Хоннинг саломатлиқини сўрди. Андин сўнг айди: «Сизнинг элда сичқон кўп бўлурми?» Айди: «Бўлур». Андин яна сўрдиким: «Сизнинг элда яғмур (ёмғир) кўп бўлурми?» Айдилар: «Балли, кўп ёғадур». Ул ипни тутуб ўлтурғон киши кўрдик, паришон сўзлай бошлади. Ул ипни тортди. Хон элчига айди: «Сендин яна сўз сўрар эрдим, валекин оёқимдин торта турурлар». Беклар филҳол (дарҳол) элчини олиб қайтдилар, тақи от ва тўн бериб узатдилар. Ул элчи қайтиб ўз подшоҳи

хизматиға келди. Ул хон сўрдиким: «Қариндошимиз хонни нечук кўрдунг ва не турлик киши турур?» — теди эрса, элчи айди: «Бир каррат — ўқ кўруниш қилдим. Эзгу билмадим (яхши билолмадим). Ул кўрунишда сизнинг саломатлигингизни сўрди. Тақи элқуннинг рафоҳиятини сўрди. Яна сўрдиким: «Сизнинг элда сичқон кўп бўлурми?» Мен айдим: Балли, кўп бўлур». Яна сўрдиким: «Сизнинг элда яғмур кўп ёғарму?» Мен айдим: «Балли ёғар». Яна айдиким: «Сендин яна сўз сўрар эрдим ва лекин, оёқимдин торта турурлар». Андин беклар филҳол туруб қайтдилар. Мен ҳам қайтдим. Хонни кўрганим ўшал бўлди». Бу хон тақи беклари бу сўзга тафаккур қилдилар, айдилар: «Яғмур кўп ёғарми, тегани яхши, анинг учунким, барча халойиқға яғмурдин рафоҳият бўлур. Ва тақи сичқонни ҳам сўрғони ёмон эрмас, андин барчага зиён тегар». Аммо ҳар неча фикр қилдилар, ипни торта турурлар, теганини била олмадилар, теб турурлар.

Яна бир ҳикоятким: Ўзи Эдил дарёсини кеча черик отланиб эрди. Черикдинким қайтди, девоналиқи голиб бўлди. Анинг одати ул эрди, ҳар гоҳки девоналиқи голиб бўлса, ҳеч кишининг сўзинга илтифот қилмас эрди. Бир ерга келиб тушдилар. Ўн беш кун ул ердин отланмади. Черикнинг озуқи туганди. Аҳволлари хароб бўлди. Беклари кенгаш қилдилар, тақи айдилар: «Бу холо заифасини унутиб турур. Бир яланг юзли (соқолсиз) йигитни заифа суратиға ясаб йироқдин кўрсатали. Бўлғайким, заифаси хотириға тушуб отланғай». Тақи бир ўғлон йигитни заифа суратиға ясаб кўрсатдилар эрса, кўргач заифаси хотириға келди. Тушуб айди: «Бизнинг эвда (уйда) ҳам мунунгтек киши бор эрди». Филҳол отланиб илғади (илдам юрди). Баъзилар бу ҳикоятни бир турлик қабиҳроқ айтурлар. Муносиб кўрмадикки, бу дафтарда битилғай.

Чун илғалибки от солди, икки кундин сўнг Эдил дарёсининг қироғина келди. Қатинда икки чухраси¹ қолиб эрди. Дарёнинг Босфунчоқ тузлоғининг бийик тепадек тоғи бор турур. Ҳар кишики Эдил дарёсини Босфунчоқ тузлоғининг яқининдин кечиб, Ёйиқ² дарёсинғаки ортулур, ул тоғ бир кунлукка яқин кишининг ёниндин қолмас турур. Хон Эдил дарёсиники кечиб илғади, кўрдики, бир тоғ ҳеч қолмас. Бир-икки каррат ғазаб бирла боқди, тақи айди: «Сен – ўқ бор! Мен бормаймен», – теб отдин филҳол тушди. Қатиндаги чухралари ҳам чорасиз бўлиб тушдилар. Ул кун то ахшом бўлғунча анда ётдилар. Чун ахшом киши танимас бикин (каби) бўлди, ул икки чухрасининг бирининг идроки бор эрди, фаҳмлик киши эрди, ул айди: «Ҳоло кеч бўлди. Ул ҳам тушуб турур. Дам бу дамдулки, ул ухлағонда биз отланиб илғасақ, ул бизни туймайин қолур», – теди эрса, бу сўз хонға бисёр маъқул келди, тақи айди: «Яхши айдинг. От иёрланг (эгарланг)!» Иёрладилар. Эмди ухлади, теган вақтда отланди тақи илғадилар, тонг отқунча. Тонгки отди, ҳеч ерда кўрмади, то хон бисёр хушҳол бўлди. Айтурлар, ўрдасиға борғондин сўнг суюрғоллар қилди. Бу янглиғ турфа девона киши бўлғонду. Баъзилар айтурлар, ўн саккиз йил хон бўлди. Баъзилар айтурлар, саккиз йил хонлиқ қилди. Андин сўнг иниси Мунг Темур йигит етилди эрса, ўзи – ўқ инсоф этди, айди: «Мунчадин бери киши йўқдин мени хон қилиб эрдингиз. Сизлар ҳам қийналдингиз, мен ҳам қийналдим. Энди иним, шукур, бу чоқли ўсди. Менинг кўнглум сизларга хуш турур. Инимни хон қилингиз», – деб ўзини хонлиқдин азл қилди. Беклари ҳам бу сўздин хушҳол бўлдилар. Иниси Мунг Темурни хон кўтардилар.

¹ Чухра – хос хизматкор.

² Ёйиқ – Ўрол дарёсининг қадимий номи.

ДОСТОНИ МУНГ ТЕМУРХОН

Мунг Темурхон бисёр одил ва зобит, оқил подшоҳ эрди. Мунг Темур замонинда эл-кун бисёр рафохиятда бўдилар. Анинг ғоят яхшилиқиндин Кулукхон от бердилар. Андоғ Мунг Темур Кулукхон машҳур турур. Айтурлар, ўн уч йил хонлиқ қилди, андин сўнг вафот топди. Андин икки ўғул қолди: бирининг оти Тўқтаға, бирининг оти Тўғрул. Отаси ўлгандан сўнг Тўқтаға хон бўлди.

ДОСТОНИ ТЎҚТАҒАХОН

Бу Тўқтағохон бисёр улуғ подшоҳ эрди. Сойинхон ўғлонларидин мунунг муқобиласинда подшоҳ оз бўлди. Айтурлар, ул тарика муаззам шулони (зиёфати) бор эрди, оддин, сигирдин, қўйдин ўзга жониворлардин бошқа ҳар кунда тўқсон қобон шулонинда пишар эрди. Мунунг бир ўғли бор эрди – Элбосар отлиғ. «Мен ўлгандан сўнг анга хонлиқ талашур» – теб ўз қариндошларин, тақи ўз наслин барчасин қирди. Ҳаттоки, иниси Тўғрулни ўлтурди, терлар. Аммо баъзилар айтурлар, Тўғрул ўзи хасталиқдин ўлди. Келин Баёлин отлиғ Тўғрулнинг заифаси бор эрди, кўрклук эрди. Тўғрул ўлган маҳалда бир фарзанди бўлди. Кўрдикки, Тўқтағохон ўғли жиҳатдин қариндошларин қира турур. Бир неча киши бирла қочириб, Черкас тоғига юбордилар. Ўзбекхони машҳур алайҳир раҳма ул ўғлон турур. Оз фурсатдин сўнг Келин Баёлинни хон олди. Ани бисёр севар эрди. Бу қазия (воқеа) лардин неча йиллар кечди. Айтурлар, хоннинг умри тўқсон ёшар эрди. Ўн ёшида хон бўлуб эрди, саксон йил хонлиқ қилди. Баъзилар айтурлар, йигирма ёшида хон бўлди, етмиш йил хонлиқ қилди. Чун охир умринга яқин келди, алқисса, ўзумдин сўнг хон бўлсун, теб сақлағон ўғли ўзундин бурун ўлди. Басе маълум турурким, бирдин бир ўғли бўлғай.

Мендин сўнг анга хонлиқ талашур, деб ўз уруфин тамом қирфон бўлғай. Яна ўзи ҳам пирлик (қарилик) бирла охир умринга етмиш бўлғай. Бу ўғул тақи ўзидин бурун ўлғай. Анинг не турлик мусибати ва надомати бўлғай. Оқибат, бу ғуссадин хаста бўлуб, хасталиқи узоқға чекди. Бир кун тўшақда ётиб, ул ён, бу ён оғанаб «оҳ» урар эрди. Келин Баёлин билдики, не жиҳатдин бетоқат бўла турур. Айди: «Сиз доим хаста бўлур эрдингиз. Бу йўл нечук бетоқат бўла турурсиз?» Хон айди: «Нечук бетоқат бўлмайин. Ёлғиз ўғлум Элбосарға хонлиқ талашур, теб ўз уруғимни тамом қирдим. Ўғлумнинг ҳам иши ул тариқа бўлди. Ўзумга ҳам ўлум яқин келди. Юртим ёт кишига тушар. Бетоқатлиғим ул жиҳатдин турур», — теди эрса, Келин Баёлин айди: «Сизнинг ёрлиғингиздин тош (ташқари) мен бир иш қилиб турумен. Агар гуноҳимни бағишласангиз, айтайин». Хон филҳол кўпуб ўлтуруб сўрдиким: «Не иш қилиб эрдинг?» Айди: «Ул маҳалдаки инингиз ўлди, инингиздин бир ўғул бўлуб эрди. Сизни, ўлтургай, теб қочириб, Черкас вилоятинга юбориб эрдим. Ҳоло ҳар йилда анинг саломатлиқ хабари кела турур. Бу йил ўн тўрт ёшинда турур. Агар ёрлиқ қилиб киши юборсангиз ул келур эди», — теди эрса, хон хуш ҳолатдин андоғ бўлди, гўёки хаста бўлмоғонтек бўлди. Икки минг туман эл Келин Баёлинға севинчи этди. Тонгласи бекларни чорлаб, Қиёт Исатой ва Сижут Олатойға қирқ минг киши қўшуб, Ўзбекхон алайҳир раҳмани келтурмакка юборди. Булар бориб келгунча, Тўқтағохон вафот бўлди. Божир Тўқбуғо теган уйғур ўмоқли бўлур эрди. Қавму қабиласи кўп кучлук эл эрди. Ва тақи хоннинг отолиқи эрди. Шайтон васваса бериб, қаро киши экан (оддий одам бўлса-да) ул хон бўлди. Келин Баёлинни, тақи хоннинг ўзга заифаларини ҳам олди. Баъзилар айтурлар, Божир уйғур эрди, Тўқбуғо нутин эрди. Бу сўз ғалат ўхшар, анинг

учунким, икки қавмдин икки иттифоқ бирла бир ерда хон бўлмоқи мушкул турур. Дурустроқи ул турурким, оти Божир эрди, лақаби Тўқбуғо эрди.

Алқисса, бу Божир Тўқбуғо хон бўлуб, хоннинг заифаларини олиб, эл-куннинг тамомин ўзига мусаххар қилиб эрди. Бу аснода ул борғон беклар ҳазрати Ўзбекхонни олиб (мамлакат) қироғиға келдилар, хабар топдиларки, хон ўлди, тақи Божир Тўқбуғо хон бўлди, барча эл-кунни ўзига мусаххар қилди, теб. Бу хабардин бисёр паришон ва ғамнок бўлуб, кенгаш қилдиларким, не иш қилсак бўлур? Қиёт Исатой айди: «Бурунда қавму қабиласи кўп кучлук киши эрди. Ҳоло — худ тамом халойиқ анга юз келтуруб турур. Ҳоло бу ердин туруб душманлиқ зоҳир қилсак, ишимиз рост келмагай. Бир ҳийла бирла ўзумизни анга еткура кўрали. Андин сўнг ҳар иш хотиримизға келса қилурбиз», — теди эрса, барчалари бу сўзни маъкул кўриб, элчи юбордилар, айдилар: «Иёмиз (эгамиз) хон юмушиға юбориб эрди. Ул кишини олиб кела турурмиз. Бу киши ҳам ота-онадин иёларингиз ўғли эрди. Керак эрди, андоғ қилмасангиз. Эмди ўзингизга ўхшатиб хон бўлуб турурсиз. Барча халойиқ сизга муте ва фармонбардор бўлуб турур. Бизлар ҳам сизга ўшандоқ муте ва фармонбардор турурбиз. Саркашлиқ қилуримиз йўқ турур. Қилоли тесак ҳам, кучимиз етмастур. У бир ёш ўғлондур. Элтиб қўлунгизга берали. Кўнглунгиз не тиласа, ани қилурсиз бўлғай. Мунунг учун эв-элимиздин жалойи ватан (тарки ватан) бўлуримиз йўқ турур», — теб юбордилар. Буларнинг элчисики келди, бисёр шодмон бўлиб, кўра олиб сийлади. Тақи филҳол киши қўшиб қайтариб юборди, айдики: «Улар келгунча ўзга киши бош кўтариб хонлиқ тилагай теб, бу ишни қилдим. Раво бўлғаймуким, ўз иём ўғли турғонда мен хон бўлайин тегаймен? Подшоҳ келсунлар. Барча хонлиқ, барча эл-кун уларнинг турур».

Бу сўзки уларға етишди, филҳол кўчдилар. Булар келмасдин бурунроқ Божир Тўқбуғо беклари бирла кенгашиб иттифоқ қилдилар: «Уларки тул ўрданинг (марҳум хон ўрдасининг) эшикинга тушуб, ёс (аза) тутурлар, икки каррат «чав-чав» теб, ёс тутғондин сўнг қўл тебратали». Қалмоқнинг қоидаси ул турурким, подшоҳлари ё улуғлари ўтканда гуруҳ-гуруҳ қавмлари бирла келиб, уч каррат «чав-чав» теб, фарёд ёс тутарлар эрдилар. Улуғтоғда уларнинг орасинда ул расм ҳам ҳануз бор эрди. Бир кун Ўзбекхон беклари бирла тонг отмасдин бурунроқ кўчиб эрдилар. Бир киши буларнинг олдиндин келиб ўтар эрди. Тақи айтурким «чав тегил», тақи «чав тегил» теб бир каррат айтиб ўтди. Парвой қилмадилар. Иккинчи каррат яна айтиб, Қиёт Исатой айдиким: «Ул не теганинг бўлур?» Ул киши айди:

Менинг отим Сонғусун,
Англағойсен сўнгғусун.

Қиёт Исатой айди: «Бир сўз бор». Бу кишининг ортинча борди, тақи айдиким: «Менга бу сўзни айтгил, не сўз турур?» Ул айдиким: «Божир Тўқбуғо беклари бирла иттифоқ қилиб, кенгашидиларким, сизлар бориб ўрдалар эшикига тушуб, икки каррат «чав-чав» теб ёслағондин сўнг, улар қўл тебратиб сизларни қирмоқ бўлдилар. Агар сизлар бир каррат «чав» тегач, устига юруб қўл тебратмасангиз — бордингизлар, барча ҳалок бўлдуңгизлар. Бу сўзумнинг кайфияти бу эрдик, сенга айтдим». Исатой бу хабарни бекларига айди эрса, иттифоқ қилдиларки, «чав» тегач қўл тебратмақ бўлдилар. Тонгласи юриб ўрда ўлтурғон ерга етдилар. Божир Тўқбуғо ўрда ичинда тахт устинда ўлтуруб эрди. Беклари ва навкарлари эшикинда қўрлаб эрдилар. Булар келиб эшикда тушдилар тақи, бир карра «чав-чав» теб ёслағондин сўнг «ча» тегач, Божир Тўқбуғонинг ус-

тига қуюлдилар. Тоқдин рост (жуфт) қилгунча Исатой етиб бўйунга чопди, боши бир қадам ерга бориб тушди. Олатой бўйда (ханжар) била санчиб юқори кўтаргач, фарёд қилдиким: «Муно иёнгизнинг боши. Ерлик ерингиздин тебранмангиз», – теди эрса, барчаси суст бўлуб ўлтира қолдилар. Андин сўнг бу бошни қўр-қўрға кездуруб, фарёд қилура бордилар: «Қаро киши хон бўлмоғи мундин кесилсун», – теб. Чун Божир Тўқбуғоники ўлтурдилар, ҳазрати Ўзбекхонни хон кўтариб тахтда ўлтурдилар.

ДОСТОНИ ЎЗБЕКХОН

Ҳазрати хонки тахтда ўлтурди ва эл-кун қарор топгондин сўнг Йўжихоннинг ўзга онадин туғгон ўн етти ўғлининг ўғлонларини чорлатиб келтуруб айдик: «Сизлар ота ўғли эмасми эрдингиз? Қаро кишига қул-навкар бўлуб, анга муте бўлгонча силардин бирингиз хонлиқ талашсангиз эрди. Чун сизлар қаро кишининг қуллуғини – навкарлигини қабул қилдингиз эрса, мен ҳам сизларни қаро кишига қўшун берайин», – теб қаҳр қилиб, навкар-савдар ва эл-кунларин барчасин Қиёт Исатойға суюрғол қилди.

Юқорида ҳам тақриб била зикр қилиб эрдик. Чун Шайбонхон қилич чопиб ёғийлар вилоятларин очиб эрди, у жиҳатдин анинг ўғлонларини ва набираларини барча халойиқлар иззат-ҳурмат қилурлар эрдилар. Хонки бу ўғлонларға қаҳр қилиб Исатойға қўшунки берди, Исатой тақи Шайбонхон ўғлонлариға оталари ҳурматин қилиб, бўйрак била қорлиқни, икки боғли эл турур, ани олиб буларни ўз ҳолиға қўйдилар. Сойинхон салғоғон юртларида бўлур эрди, тебтурурлар. Ва тақи Олатойға минг боғли эл айирди. Ул машҳур турур. Ўзбеклар орасинда айтурлар: Исатойға ўрум четиб, Олатойға минг берди, дерлар, маъниси бу турур.

Ҳазрати хони мазкур алайҳир раҳма азамат улуғ подшоҳ эрди.

Бир неча йил подшоҳлиқ қилғондин сўнг Оллоҳ таолонинг инояти бўлуб мусулмон бўлдилар.

ҲИКОЯТИ САБАБИ ИСЛОМИ ЎЗБЕКХОН

Сабаби исломи ул эрдиким, ул замоннинг валийларидин турур тўрт валийға Оллоҳ таолодин илҳом бўлдиким: «Сизлар бориб Ўзбекни исломға даъват қилингизлар». Тақи Оллоҳ таолонинг амри била Ўзбекхоннинг эшикига келиб, қўрунинг тошида ўлтуриб, мутаважжих бўлдилар. Андоғ ривоят қилурлар, кофир соҳирлар (сеҳргарлар) бирла кофир коҳинлар хонға андоғ каромат кўрсатиб эрдиларки, хоннинг мажлисиға бол (асал)ни субжоқи (идиши) била келтуруб қўяр эрдилар. Жўрғоти (кўза) ва дўстиғон (қадах)ларни тайёр қилур эрдилар. Бол ўзи жўрғотиға қуюлур эрди ва дўстиғонға сузулур эрди. Ва дўстиғон ўзи ул кишига борур эрди. Барча бу соҳиркоҳинларини хон ўзларига шайх билиб, ёнларида ёнаша ўлтуртуб бисёр эъзоз ва икром қилур эрди. Аммо бир кунки булар келиб мутаважжих бўлуб ўлтурдилар, кундакитек паймонаси (идиши) била бол келтурдилар. Жўрғоти ва дўстиғонни келтуруб қўйдилар. Бир хийла муддат ўттиким, на бол кундакитек жўрғотиға қуюлар, на дўстиғонға сузулур эрди. Хон бу шайхларинға айди: «Не жиҳатдин бу бол маътал қолиб турур?» Шайхлари айдилар: «Ғолиб, бу яқинда муҳаммадий келиб турур. Бу анинг аломати турур». Хон ҳукм қилдиким: «Қўр-қўрдин юруб истасангизлар, тақи муҳаммадий бўлса, олиб келингизлар!» Мулозимлар чиқиб қўр-қўрдин тафтиш қилдилар эрса кўрдилар, қўрнинг тошинда тўрт ўзга суратлиғ кишилар бошларини қуйи солиб ўлтурур эрди. Му-

лозимлар айдиларким: «Сизлар не киши турусиз?» Булар айдилар: «Бизларни хон қошига олиб борингиз». Олиб келдилар эрса, хоннинг кўзи буларга тушди. Чун нури ҳидоят била Оллоҳ таоло хоннинг кўнглини мунаввар қилиб эрди, буларники кўрди, майлу муҳаббати кўнглунда пайдо бўлди, сўрди-ларки: «Сизлар не кишилар турусиз, не ишка юри-юрсиз, не ишга борурсиз?» Булар айдилар: «Бизлар муҳаммадий турусиз. Худой таолонинг амри бирла келиб турусизким, сизларни мусулмон қилғаймиз». Бу аснода хоннинг шайхлари фарёд қилиб айдилар: «Булар ёмон кишилар бўлур. Буларни сийламак керакмас, ўлтурмак керак». Хон айдилар: «Нечун ўлтурдурмен. Подшоҳ — мен. Сизларнинг ҳеч қайсингиздан парвойим йўқ турусиз. Қайсингизнинг динингиз барҳақ бўлса, анинг бирла бўлурмен. Агар буларнинг дини ноҳақ бўлса, сизларнинг бутундаги ишларингиз нечук ботил бўлуб маътал қолди. Сўзлашингиз, қайсингизнинг динингиз ҳақ бўлса анга тобе бўлурмен». Бу икки жамоат бир-бириси бирла баҳска тушдилар, кўп ғавво ва жадал қилдилар. Оқибат анга қарор бердиларким, икки танур қазғайлар, ҳар бирисини ўн ароба сўксўк (саксовул) била қиздурғойлар. Бир танурга соҳирлардин, бир танурга булардин бир киши киргай. Ҳар қайси куймай чиқса, анинг дини ҳақ бўлғай.

Тонгласи икки улуғ танур қаздилар. Сўксўк ўтунлардин йиғиб қиздирдилар. Бирисини соҳирларга тайин қилдилар, яна бирисини мусулмонларга тайин қилдилар. Бу азизлар бир-бириси бирла муроёт қилишдилар; «Қайсимиз кирарбиз?» Буларнинг бирисига Бобо Туклос дер эдилар. Тамом аъзоларини тук босиб эрди. Ул айди: «Менга ижозат берингиз, мен кирайин. Сиз менга ҳиммат тутунгиз». Бу азизлар

анинг ҳаққина фотиҳа ўқудилар. Ул бобо айди: «Менга жиба (совут) ҳозир қилингиз». Жибани ҳозир қилдилар эрса, жиба кийди яланг этка (яланғоч баданга). Тақи Оллоҳ таоло ёдида талқин бошлаб, танур тарафиға мутаважжиҳ бўлди. Айтурлар, бобонинг туқлари ўро (тикка) қўпуб жибанинг кўзларидин чиқиб эрди. Бу ҳолатни барча кўрар эрдилар. Булар юриб танурға кирди. Бир қўй этини келтуруб танурға осдилар, оғзини беркитдилар.

Эмди келдик қоҳинлар қиссасинға. Қоҳинлар заруратдин бирисини чиқариб танурға солдилар. Ҳаминки тушқач, кули кўкли-яшилли бўлиб, ёлини танурнинг оғзиндан чиқар эрди. Бу ҳолатни хон бошлиқ барча халойиқлар кўрди эрса, кўнгуллари кофир динидин узулуб мусулмонлиқға майл қилдилар. Ва тақи бобонинг талқин айтқон овози танурдин муттасил келур эрди. Қўй эти пишди теган маҳалда танурнинг оғзини очдилар. Бобо муборак юзлариндин терларини суртгач: «На ошукдингиз? Агар бир замон таваққуф қилсангиз эрди, ишим тамом бўлуб эрди», – теб танурдин чиқди. Кўрдиларки жиба чўғ бикин (каби) қизил бўлуб эрди. Аммо худойи таолонинг қудрати бирла бобонинг бир туки куймайин чиқди. Бу ҳолни хон бошлиқ барча халойиқлар кўрди эрса, шайхларнинг этақларини тутуб мусулмон бўлдилар. Алҳамдулиллаҳи ала динил исломи.

Беркахон замонида ўзбек тоифаси мусулмон бўлуб эрдилар. Бу йўлки, Ўзбекхон мусулмон бўлди, андин бери ўзбек тоифасининг исломи тағйир (ўзгариш) топмади. Айтурлар, Ўзбекхон йигирма йил подшоҳлик қилди. Андин сўнг ҳақ раҳматига восил бўлди. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибуна¹.

¹ Дарҳақиқат биз Оллоҳникимиз ва Унга қайтамыз.

ДОСТОНИ ЖОНИБЕКХОН

Чун ҳазрати Жонибекхони машҳур алайҳир раҳма отаси тахтинда хон бўлди, уларнинг адолати, валояти, каромати машҳур турур. Дашт вилоятинда улар бикин одил ва зобит подшоҳ кечкани йўқ турур. Отасининг тамом давлатини ҳукм қилур эрди.

Андин сўнг Малик Ашраф теган Табриз ҳокими эрди, шайтон ани йўлдин чиқариб, ўз қизини олди. Анинг қиссаси ул тариқа эрдиким, бир соҳибжамол қизи бор эрди. Бу бадбахт анга ошиқ бўлди, ҳеч турлик ороми-қарори қолмади. Табриз уламолариндин сўрдиким: «Бир кимарса дарахт тикса, тақи анинг меваси етилса, ўзиму есин ё ўзгагаму берсин?» Уламолар айдилар: «Ўзи ҳам еса бўлур ё ўзга кишига ҳам берса бўлур». Бу бадбахт худ мақсади ўз қизи бўлғондур. Бу сўз бирла турур, тақи ўз қизини олур. Табриз уламолари хонга арзадошт қилдиларким: «Бу киши биздин бир мағлата (чалкаштириш) бирлан бир масала эшитди. Биз анинг ғаразини билмайин зоҳирини ҳукм қилдик. Мунунг ғарази худ қизинда бўлғондур. Ҳоло қизини олди, бу худ кофир бўлди. Бизлар ҳам кофирга банда бўлуб турурбиз. Букун подшоҳи ислом сиз турурсиз. Эмди сизга вожиб турурким, ани мусулмонларнинг бошиндин даф қилғайсиз». Айтурлар, хон икинду (аср) намозин ўқуб масжидда ўлтуруб эрдиким, арзадошт келди. Филҳол олимларни йиғиб сўрдиким: «Сизлар бу сўзга не айтурсиз?» Улар ҳам айдилар: «Балли, сизга вожиб турур, бу кофирни мусулмонлар бошиндин даф қилғайсиз». Бу сўзни эшитдиким, масжиддин яна уйга бормади. Уч кун ул масжидда ўлтуруб яроғин қилиб отланди. Тақи бориб Малик Ашрафни ўлтуруб, Табриз ва Ироқ вилоятларини олди. Муддати ўттиз йил подшоҳлиқ сурди. Андин сўнг Оллоҳ таоло раҳма-

тинга восил бўлди. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъуна.

ДОСТОНИ БЕРДИБЕКХОН

Ўғли Бердибекхон отаси тахтинда хон бўлди. Бу Бердибек бача беақл ва бемулоҳаза киши эрди. Ўзининг қариндошларини, тақриб ўғлонларини, менга хонлиқ талашур, деб ўлтурур эрди. Айтурлар, Қонгли Тўлабой теган қавму қариндоши кўп кучлук эрди, бу хоннинг оталиғи эрди. Ҳар не айтса, анинг сўзиндин чиқмас эрди. Анинг бир ўғли бор эрди, Самаи отлиғ. Алп отғучи (мерган) эрди. Ул Самаи Жонибекхон замонида қароқчилик қилур эрди. Анинг жиҳатидин хон алайҳир раҳма ани ўлтурур эрди. Тўлабой ул ўғлининг аччиғидин бу кенгашни хонга берур, айтур эрди: «Сен ҳоло йигит турурсен. Бу маҳалдақи туғғон ўғлинг тенг ўсар, сен кундин кунга қарирсен. Ул йигит бўлур. Тонгла сен қарифондин сўнг хонлиғингни талашиб олғай. Ҳоло буларни ўлтура турғил. Қачон қарий бошласанг, андин сўнг қўйғайсен». Ул бедават ҳам мунунг сўзига кириб ўлтурур эрди. Бу сабабдин анга Керкин Кўтанхон терлар. Анинг замонинда тафриқалиқ (тарқоқлик) бисёр бўлди. Ўнг қўлни Қиёт Мамай олиб, эл-кун бирла Қиримга кетди. Сўл қўлни Қиёт Жир Қутли ўғли Тенгизбуғо Сир дарёси бўйнига олиб кетди. Хон ўз ичкилари (яқинлари ва мулозимлари) бирла Саройда бўлди. Уч йил Сарой шаҳринда подшоҳ бўлди. Андин сўнг вафот бўлди.

Той Туғлибегимки машҳур турур, Ўзбекхоннинг заифаси, Жонибекхоннинг онаси эрди, ул маҳалда ул ҳаёт эрди. Сойинхон наслидин ҳеч киши қолмади. Бегими мазкур айдиким: «Эмди хонлиқ била юрт Шайбонхон наслига тегар».

ДОСТОНИ ХИЗРХОН

Ул маҳалда Шайбонхон наслидин Манқутой ўғли Хизр ўғлон терлар эрди, Сойинхон салғагон Манқутойнинг юрти Оққўл теганда бўлур эрди. Ўзга ўғлонлардин айрилиб юртинда бўлмоқининг жиҳатин юқорида зикр қилиб турурбиз.

Алқисса бегими мазкур (яъни Той Туғлибегим) Хизр ўғлонни ундатиб элтиб, Сойинхон тахтинда Сарой вилоятинда хон қилди. Бу сўз мунда мавқуф бўлсун, биз келдик Қиёт Жир Қутли ўғли Тенгизбуғонинг эшикиндаги ўғлонларининг ҳикоятларига ва Тенгизбуғони ўлтуруб Қора Нўғой хон бўлгон ҳикоятларига.

Ул маҳалдаки Ўзбекхон алайҳирраҳма ғазаб қилиб, Йўжихоннинг ўзга заифасиндин бўлгон ўн етти ўғулнинг набираларин эл-кунлари билан Қиёт Исатойғаки қўшун берди, Исатойи мазкур ўлгандин сўнг ўғли Тенгизбуғога қолди. Бу Тенгизбуғо баса беадаб, зolim киши эрди. Бу ўғлонларки анинг подшоҳлиғи наслидин эрди, буларға бисёр жафолар ва беадаблик қилур эрди. Нетакки, отаси Жир Қутли (қабри) устинга иморат солур бўлди, ўзга кишин аралашдурмай, иморатнинг тамом ишин буларға буюрди. Ҳаттоки, сув ташиғон, кирпич қуйғон ва кирпич ташиғон булар эрди. Гоҳисининг орқаси яғир бўлуб эрди, гоҳисининг тўши яғир бўлуб эрди, гоҳисининг оёғи тўғрулиб жафолар етишиб эрди, терлар. Ва Оллоху аълам!

Ва тақи ҳар сабоҳ келиб бу ўғлонлар эшиқда кўрлар эрди. Ҳар гоҳки суҳбат тутсалар, Тенгизбуғо ўз қўлиғаки аёқ (қадах) келур эрди, созандалар ўтак (мадҳ) куйин қўбсалар (чалсалар) эрди. Ҳаминки ўрда ичиндаки ўтак куйин қўбсай бошласа, билур эди, ул замонки бек қўлиға аёқ келди. Бу ўғлонлар бўрқларин

солиб (бош кийимларини ечиб) юкунуб турарлар эрди, ул замонға тегруки, аёқни ичкай, тақи ўтак қўбсамоқ бас бўлғай. Андин сўнг бўрқларини кияр эрди.

Айтурлар, бир маҳалда қиш чилласи эрди, бу бад-бахт суҳбат тутуб эрди. Ногоҳ ўтак овози келди. Бу ўғлонлар кундаки дастурча бўрқларини солиб юкундилар. Кун совуқ эрди. Ҳусайн ўғлон теган Темур Қутлуғ ва Ўрусхон оталарининг қариндошларидин бўлур эрди, қулоқи ушуди (совуқ қотди) тақи ёрусиндин кўпраки тушди. Андин сўнг анга Чиноқ Ҳусайн терлар эрди.

Бу ҳикоятлар, бу сўзларки эмди зикр қилгум турур, ҳазрати хони мағфур ва марҳум табаллоҳу сароҳу ва жаалал жанната мисвоҳа¹ — ҳазрати Элбарсхондин эшитиб турурмен. Улар қари сўзни яхши билур эрди.

Бердибекхоннинг подшоҳлиқидин уч йил ўтди. Тўртинчи йил куз бошиндин хон хаста бўлуб эрди. Тенгизбуғо Сир бўйинда қишлаб эрди. Хоннинг хасталиқ хабари муттасил келур эрди. Кун сабоҳ вақти эрди. Бу ўғлонлар бек эшикинда қўрлаб эрдилар. Тенгизбуғо ул кун саҳар вақтидин қўпуб суҳбат тутуб эрди. Созандалари ябо куйини қўбсаб, йировлари (оқинлари) йирлар эрдилар, ғавфо ва нишотлари (хурсандчиликлари) бор эди. Сабоҳий кунлари совуқ эрди. Бир куранг (бўз) от минган, бўри териси тўнни жўра кийган киши ўрдаға яқин келиб тушди. Тақи отин кирим (усту ёпиқ) аробасинға боғлади, ўқсадоқини ароба устига қўйуб ўрдаға инди. Қўбсай турғон созандалари, йирлай турғон йировлари барчаси бас бўлди. Муддати мадид (анча муддат) бу эл

¹Оллоҳ унинг қабрини мунаввар этиб, жойини жаннатдан қилсин.

мажлисидин ун чиқмади. Андин сўнг яна созандалар қўбсай бошладилар ва суҳбат даркард (қизғин) бўлди. Бу ташқариғи ўғлонлар бу ҳолатни мулоҳаза қилиб, фикр қилур эрдиларким: «Ие, бу келган киши не киши бўлғай экан, бу эл-мажлисда шу тариқа мутаҳаййир (ҳайрон) бўлдилар», — тею. Бу ўғлонлар орасинда икки киши бор эрди. Бириси оқил ва доно эрди, анинг отин Букри Аҳмад терлар эрди. Баъзилар айтурлар, Соғиши ортуқ (донишман) Сайчи ўғлон терлар эрди. Яна бириси алп, отқучи, баҳодир эрди, андоғким ул замонда ҳамтоси (унга тенг келадиган киши) йўқ эрди. Анинг отин Қора Нўғой терлар эди. Сўнгқида суҳбат даркард бўлди, оз фурсатдин сўнг Қора Нўғойға ундакчи келдиким: «Бек сизни чорлайдур», — теб. Бу қўпуб бек қошиға инди. Бироз фурсат яна хомуш (жим) бўлдилар. Андин сўнг яна суҳбат даркард бўлди.

Букри Хожа Аҳмади мазкур бу ўғлонларга айди-ким: «Кўрдингизму? Бердибекхон ўлубтурур. Ул келган киши хоннинг ўлган хабарин келтирди. Буларнинг бир ош пишим хомуш бўлуб мутаҳаййир бўлғони ул сабабдин эрди. Қора Нўғойни чорлаб олғони ул турур: ани хон кўтарурлар, тақи тонглақи кўрунишда барчамизни қирарлар. Бизнинг ишимиз мушкул бўлди. Букун ахшом бирла бир иш қила олсақ — олдуқ, қила олмасақ, тонгла барча ўлумға борғу турурбиз». Чун булар доим синаб эрдилар, мунунг кенгаши ўзга бўлмас эрди. Барчаси айдилар: «Сиз не турлик маслаҳат кўрсангиз, андоғ қилоли». Хожа Аҳмади мазкур айдилар: «Маслаҳат ул турур: Нўғой мундин кеч отланур. Уйининг ёри (ярим) йўлиға етканда тутуб отдин йиқиб, мазбут (маҳкам) боғлаб пичоқни бўғзинға қўйиб, бу хабарни сўроли. Агар ростин айтиб бизнинг бирла иттифоқ қилур бўлса, биз ҳам ани хон кўтарали. Ва агар ростин айтмаса, анда — ўқ ўлтурали ва текмамиз (ҳар биримиз) бир ёнға қочоли», — теди

эрса, барчаси бу сўзни маъқул кўриб, аҳду шарт қилдилар.

Чун намозшом яқин бўлди эрса, Нўғой бек мажлисиндин қайтиб отланди. Бу ўғлонлар ҳам бирга отландилар. Кўрдиларким, кундакидин чеҳраси, таври-тариқаси ўзгача бўлуб эрди. Кунда кўрунишдин қайтиб эвга борғунча ўйнай-кула борур эрди. Букун ҳеч кишига сўз-ун қотмай беиттифоқ борур эрди. Эвларининг ёри йўлига етдилар эрса, қоронғу бўлди. Филҳол жиловлаб отдин йиқиб мазбут боғладилар. Нўғойи мазкур айди: «Менинг гуноҳим не турур, мундоғ қила турурсиз?» Хожа Аҳмад айди: «Сендин бир сўз сўрарбиз. Агар ростин айтсанг, бизнинг бирла иттифоқ қилсанг, сени хон кўтарали, тақи аҳду вафо ва шарт қилоли. Сенинг навқарчилигингдин бўйун тўлғамағайбиз. Агар ростин айтмасанг, таҳқиқ (аниқ) билгилки, сени бу ерда ўлтирамиз». Айди: «Не сўрарсиз – сўрунг!» Хожа Аҳмад теди: «Ростин айтғил, ул келган киши не айди? Ва тақи сени чорлаб бек не айди?» Айди: «Ул келган киши не айтғонин билмон. Мени чорлаб ҳеч сўз айтмади», – теди эрса, Хожа Аҳмади мазкур айди: «Эй бадбахт, сен айтмасанг, мен айтайин. Ул кишики келди, хоннинг ўлганин айта келди. Тақи сени чорлаб олғони ул эрдиким, сенга айдики: «Сени хон кўтарали, вали рози бўлғилким, қариндошларингни ўлтурали. Агар ўлтурмасанг, улар сендин улуғ турур, сенинг хонлиқингга бўйунсунмасдур». Сен ҳам ул ишка рози бўлдунг. Эмди андоғ қилмағил. Бу кишидин не хўрликлар кўрмадик эрди. Сен бизнинг ичимизда хон бўлуб, бизга бош бўлсанг, ани ўлтуруб андин ўчимизни олмоқ осон турур. Менинг бу сўзумни қабул қилғил. Сени хон кўтарали. Кўтариб сенга навқар бўлурға не чоқли аҳду шарт тесанг ичали. Бизнинг ўларимизга сабаб бўлуб, қиёматга тегру ёмон отни бетингга олма!» – теди эрса, ул тақи айди: «Андоғ бўлса, қў-

лум-оёқимни бўшатинг. Сизга ростин айтайин». Қул-оёқин бўшатдилар эрса, қўпуб ўлтуруб Хожа Аҳмади мазкурга кўп таҳсинлар қилди. Айди: «Бу сўзларни фаросат бирла айдинг, ҳеч хилофи йўқ турур ва барчаси рост эрди. Эмди сиз мени хонланурға яхши аҳду шарт қилсангиз, маслаҳатингиздан чиқмайин». Булар тақи аҳду шарт қилдилар. Нўғой айди: «Тонглаки кўрунишга борурбиз, ул мени чорлаб олмоқ турур. Андин сўнг сизларни чорлатур. Сизлар эвга киргач, қатиндақи кишилар бирла бўлунг, мен ўзи бирла бўлайин».

Тонгласи кўрунишга бордилар, ул айтқонча Нўғойни чорлаб олдилар. Бир замондин сўнг буларни чорлай киши келди. Булар ҳам яроғланиб келиб эдилар. Барчаси кўнгли (дадил?) юриб эшиқдан киргач, қўл тебратдилар. Нўғой Тенгизбуғо била тўрда ёнаша ўлтуруб эрди. Филҳол боса олғоч бошин кесдилар. Бўйда (ханжар) бирла санчиб ташқари олиб чиқдилар, тақи чорлатдилар: «Ўзга кишига ўлум йўқ турур. Ерилик ерингиздан тебранмангиз», — тею. Халқ ерилик ерида қарор топқондин сўнг Нўғойни оқ кийизга солиб, барча иттифоқ бирла хон қилдилар.

Манқутой ўғли Хизрхон бирла Қора Нўғой иккиси бир ой ичинда хон бўлдилар. Вали Хизрхон Сарой ичинда Сойинхон тахтинда хон бўлди, Қора Нўғой Сир бўйунда сўл қўл ичинда хон бўлди.

Эмди келдик Хизрхон ҳикоятига. Ул маҳалдаки, Той Туғлибегим Хизрхонни чорлаб элтиб Сарой тахтиндаки хон қилди, Ўзбекхон бирла Жонибекхондин қолғон олтун термани (ўтовни) ўрга (шоҳона ўтов) солди. Айтурлар, бегим сочини қораға бўяди ва хонға тегарга майл қилди. Хоннинг ҳам олурға майли бор эрди. Вали наймандин Қутлуғбуғо отлиф беги бор эрди, ул рози бўлмади. Айди: «Ул Ўзбекка, Жонибекка ихтиёр бўла келган киши турур. Сен бир тури ўсган киши турурсен. Сендин син (айб?) топар. Ол-

моғил». Анинг сўзига кириб олмади. Чун бегим олмасин туйди эрса, бурунқидин иззату ҳурматни кам қила бошлади. Хон ҳам анга ўжашиб (ўчакишиб) олтун термани бузуб қозоқларинга¹ улаштурур бўлди эрса, эшитиб хонга бегим киши юборди, айди: «Андоғ қилмасунлар. Хон бўлғон кишига олтун-кумуш топилмас нарса дагулдур (эмасдур). Аммо бурунқи яхши кишилар ясағон иморатни бузмасинлар». Анинг сўзига кирмайин бузуб улаштурди. Бегим тақи анга аччиқ қилиб бекларининг ичкисини (яъни ўзига тобе бекларни) йиғиб, хонни қувалади. Хон қайтиб яна Оққўлга келди.

Бегими мазкур бир кишини Келдибекдур, теб хон кўтарди. Ўзга беклар анга «ёлғон Келдибек» терлар. Барча халойиқлар айдилар: «Келдибекни Бердибек ўлтуруб эди. Ул нечук тирилди?» – теб эл анга бўйунсунмадилар эрса, Буовул наслидин бўлур эрди, Бозорчи отлиғ, ани хон кўтардилар. Ул маҳалда улур беклардин Сижуд Алибек бор эрди. Бу Бозорчиға бўйунсунмас теб, бегим ани чорлатиб келтуруб ўлтурди. Алибекнинг Барчин отлиғ ўғли бор эрди. Ул қочиб қўнғирот Ноғодой ўғли Оқ Хусайинки, Хоразм вилоятининг ҳокими эрди, Барчин анга еган (жиян) бўлур эрди, анинг қошиға келди эрса, бегимнинг бу ношойиста ҳаракатларидин ҳаросон бўлуб (қўрқувга тушиб), бегимдин ўрой гардон бўлдилар (яъни юз ўгирдилар). Бу аснода Оқ Хусайн Хизрхонга элчи юборди, айди: «Ул заифа шайтон йўлиға кириб мунунгтек ҳаракатлар қила турур. Биз, худ андин ўрой-гардон бўлдуқ. Сиз агар бош бўлуб ҳиммат тутсангиз, устунга юрурбиз». Ул ҳам аччиғлиғ (адоватли) киши эрди. Оқ Хусайн Хоразм лашкарин тамом иттифоқ қилиб, Оққўлга бориб, Хизрхони мазкурни хон

¹ Ўша замонларда бирон сабабга кўра асосий ўрдадан ажралиб юрган кишиларни «қозоқлар» деб аташган.

кўтариб, Сарой вилояти устунга юриди. Сарой устунда уруш бўлди. Бозорчи, тақи бегим қўлга тушдилар. Бегимни бир қоркуям (ёпиқ чана)га миндуруб, оғзини мазбут қилдилар. Тақи бир амлак (асов) айғир отни екиб (қўшиб), бош солиғга (боши оққан томонга) қўя бердилар. Бу амлак от аробани олиб қочиб ёбларга, қочуларга уруб эрди, то бегим ҳалок бўлди. Ўзбеклар Той Туғлибегимни Хизрхон ўлтуруб турур терлар. Кайфияти (тафсилоти) бу турур.

Ани ўлтуруб Хизрхон иккинчи навбатки хон бўлди, бир йил-ярим йил подшоҳлик қилиб эрди. Бурут отлиғ бир ёмон ўғли бор эрди. Отасининг хонлиқига чидамай, ғофилликда ани санчиб ўлтурди ва ўзи хон бўлди. Икки-уч кун кечмай ани ҳам ўлтурдилар. Андин сўнг бузуқлуқ воқеъ бўлди. Ҳар киши бир тарафда бош кўтарди. Сарой шаҳри бузулди. Элнинг кўпи Қирим вилоятига Қиёт Мамай қошига кетди. Бу сўз мунда тамом бўлди, яна келдуд Қора Нўғой ҳикоятига.

Қора Нўғой Сир бўйида уч йил подшоҳлик қилди. Туркистон вилоятлариға ҳукм қилур эрди. Уч йилдин сўнг вафот топди. Иниси Туғли Темур теган хон бўлди. Фахри салотин (султонлар фахри) ҳазрати Дўст Султондақи дафтарда айтиб эрди: Бу Туғли Темур улуғ подшоҳ бўлди, Самарқанду Бухороға ҳукм қилур эрди. Аммо муддати подшоҳлиқи маълум эрмас.

ДОСТОНИ ЎРУСХОН

Андин сўнг Бодиқ ўғлон ўғли Ўрусхон бўлди. Бу Ўрусхон улуғ подшоҳ бўлди. Тамоми Туркистон вилоятлариға ҳукм қилур эрди. Тўхтамишхон била Темур Қутлихонға ул маҳалда хонлиқ тегмайдур эрди. Бу хони мазкурнинг хизматинда бўлур эрдилар. Чун инояти азалий бирла фарри подшоҳий (подшоҳ-

лик шавкати) Тўхтамиш ўғлоннинг зотинда пайдо эрди, хоннинг навкарлари тақи ўзга халойиқлари ихтиёр бу ўғлони мазкурга бердилар. Бу бошдин хони мазкур ёмон айланиб, Тўхтамиш ўғлонга қасд қилур бўлди.

Хитой Бобоалибий теган ҳожитархонли Абдул-каримхоннинг улуғ беги ва ноиб кишиси эрди. Хони мазкур ўлгандин сўнг Макка тавоф қилиб, ҳожи бўлуб келди. Андин сўнг султон Ғозий Султон хизматлариға келди. Чун ҳазрати султон қари сўзга бисёр қобил эрдилар, улар сўрдиларки: «Тўхтамиш-хонни Ўрусхон эшикидин чиққондур, терлар. Ул не тариқа бўлқондур?» — теб сўрди эрса, ҳожийи мазкур ҳам бу тариқа ҳикоят қилдилар. Фақир улардин эшитиб турурмен. Улар айди: Ул маҳалда Ўрусхон Тўхтамиш ўғлонға қасд қилур бўлди, андин бурунроқ Кенагас Қуғон ўғли Дарвишак Мирзони Чифатой подшоҳларига элчи юбориб эрди...¹

Сир ёқалаб хон ўрдасинға келур эрдилар. Кун совуқ эрди. Урик Темур Мирзодин сўнгроқ келур эрди. Ногоҳ Сирнинг ёқасинға кўзи тушди. Қамишнинг тубинда кўрди, бир яланг терлик кийган йигит сувдин чиқиб юз тубан тушуб, икки букулиб қалтирай ётиб эрди. Кўнглида айдиким: «Мунга худ бир иш тушган киши турур», — теб йўртиб, Мирзонинг сўнгидин етди, тақи айди: «Мирзом, иноятинг бўлса, хон ёрлиқи бирла хизматинг қилиб келиб эрдим. Эсон-омон эл ичинга индингиз. Ўрдаға яқин келдингиз. Мен хонға кўруниш қилур киши эмасмен. Мени эмгатиб элтиб неткайсиз? Мен мундин — ўқ уйимни истасам бўлғайму?» — теди эрса, ул Мирзо ҳам ижозат берди. Қайтиб бояқи ерга келди. Отин йироқда боғ-

¹ Қўлёзмада шундан кейинги уч сатр матннинг ярми ўчиб кетгани учун уни тўла ўқиш имконсиздир. Шу сабабли бу сатрлар ташлаб ўтилди.

лаб, ўзи яёғ бўлуб келди. Ул кишининг қошига келди, кўрдик, юз тубан тушуб қалтирай ётур эрди, оёқидан ёмон яраси бор. Бу сўрдик: «Не кишисен?» Айди: «Не сўрарсен? Мен бир эмгаклик (жафокаш) қулмен». Бу айди: «Мен эмгаклик эканингни кўра турурмен, отинг айтғил». Айди: «Мен Тўхтамиш ўғлонмен. Бурун ҳам бўлса сезиб юрур эрдим. Сахар вақти эрди, хоннинг кишилари келиб уйимни бостилар. Отқилаша (отиша-отиша) чиқдим, кўрдимки, киши кўпдур. Дарё яқин эрди, ўзумни дарёга солдим. Сувга тушканда отдилар. Бу ёмон захм...¹ Тебранур чоқли мажолим йўқтур». Урик Темур айди: «Менинг истгим... Бошим, молим сенинг йўлингда қўяйин. Худойи таоло сенга давлат берса, мени унутмағил». Тўхтамиш: «Ҳар қачон худойи таоло давлат берса, сени давлатимга шерик қилиб, сенинг сўзингни, ўйингни ва ўтунингни (ўтинчингни) ўзга қилмағаймен», — теб онт ичди. Урик Темур филҳол эгиндаги кўрпа тўнин чиқариб (Тўхтамишни) мазбут чулғади, тақи олиб юриган озуқиндин олнинда қўйди. Тақи «Мени келмас, теб кўнглунгни ёмон қилмағил. Менки тирикдурмен, албатта сенга келурмен. Сени ушбу ердин топайин», — теб отланди.

Тақи Урик Темур уйига келди. Ўз уруғлариндин бир неча кишилар билан иттифоқ қилиб, от ва яроғ олиб келдилар. Тақи ўғлони мазкурни (Тўхтамишни) Темурбек (Амир Темур) қошинга олиб қочдилар. Темурбек ул маҳалда янги хуруж қилиб, Бухоро ва Самарқандни олиб эрди. Буларки келдилар, бисёр яхши кўра олди. Жарроҳлар келтурдилар. Оёқиндақи бошоқни (ўқ учини) олдуруб, кўп турлик дорулар қилдурди, то бир ойдин сўнг яхши бўлди.

Ул қиш бек (Амир Темур) хизматида бўлдилар. Ёзки очилди, бек бир неча киши қўшди. Хон (Ўрус-

¹ Шу жойда яна уч сатрнинг ярмидан ошиғи ўчиб кетган.

хон) яйлоғға чиқиб бора турғонда, эл сўнгидин келиб, йилқи қувдилар. Қувғин етиб урушиб, буларни босдилар. Яна бек қошинға қайтиб келдилар. Алқисса, Тўхтамиш ўғлон қозоқлаб юруб, хоннинг элидин йилқи сулар эрди ва эл чопар эрди. Ва ширин, барин, арғун, қипчоқ Тўхтамиш ўғлоннинг ота-оналаридин бойри эллари эрди. Бу ўғлони мазкур қозоқлаб юруб бу тариқа ишлар қила бошлади, бу эллардин даъволик йигитлар бориб, анга навкар бўлиб, мадад бера бошладилар. Ва Ўрусхон ҳам бу элларга бисёр жафо қила бошлади. Булар ҳам Тўхтамиш ўғлонга киши юбордилар: «Сендин сабаб хон бизга ғазаб қилиб молимизни ола турур. Бошимизнинг ҳам хатари бор. Бир турлик бизнинг фикримизни қилмасанг, сенинг ёқанг — бизнинг алимиз (қўлимиз) турур, қиёмат куни бўлса», — тедилар. Ўғлон бу сўзни эшитди эрса, кўнгли паришон бўлуб, келган кишига айди: «Бу йил яйлоғға чиқарбиз, элнинг сўнгитини ола кўчинг. Фалон сувнинг бўйида ёйлангиз (яъни ёзги қароргоҳ қурингиз), тақи яроғингизни қилиб турунгиз. Иншоллоҳ, ўлмасам, ўзумни еткурғум турур сизларга». Ёзки келди, хон яйлоғға кўчди. Бу эл тақи эл сўнгидин кўчар эрдилар. Яйлоғғаки етдилар, ҳар эл бир сувнинг бўйинға кетдилар. Бу эллар булжол қилғон (махсус белгиланган) сувнинг бўйиға келиб ёйладилар. Халойиқлар қимиз ичиб, айш-ишратға машғул эрдилар. Бу аснода Тўхтамиш ўғлон бу элнинг ичинга кириб келди. Чун булжол (махсус буйруқ) бирла яроғларин қилиб эрдилар, ҳар кадхудо (оила бошлиғи) бир талаганга (усти ёпиқ аравага) икки от екиб ўғул-қизларин миндиргач, қочдилар Эдил дарёси тарафиға. Икки кундин сўнг Ўрусхонға хабар келди, Тўхтамиш ўғлон келиб ширин, барин, арғун, қипчоқ ва тақи сойир (ўзга) элларни олиб, Эдил дарёсиға ёвушди (яқинлашди), теб. Хон қошиндақи кишилар билан филҳол отланғач, атроф жонибға киши чоптуруб, ўзи бу эллар сўнггин

қувғин солди. Хоннинг эллари яйлоғға тарқаб эрди. Отларнинг семирған маҳали эрди. Хон қаттиғ илғади. Йироқдақи элларнинг черики (аскарлари) хонға етиша олмади. Яқиндақи эллар ҳам отлари семизлаб қолди. Буларға (қочоқларға) яқин еткан маҳалда хоннинг қошинда киши оз қолди, икки юз киши, кўп бўлса уч юз киши бўлғай эрди. Кун уёғиб (ботиб) бора турғонда бу қочғон элнинг қоровули хоннинг черики чангини кўриб қолдилар. Булар кенгаш қилдилар: «Уларнинг отларининг бўйни қотиб кела турур. Оз-кўп темас, ҳар қачон етса бизга тегар (ташланар). Биз – худ ўлум кишиси турурбиз, аҳлу аёлимиз устида ўларбиз. Бўлмаса тухмимиз (уруғимиз) қурумасин. Отға боруртек ўғлонлар била Жалолиддин султонни¹ тақи Яхшихожани сайлаб чиқариб, икки йўл билур кишини уларға тайин қилоли. Ун эшитилур чоқли ерда ўркуннинг (бош қароргоҳнинг) ёнинда олиб юрусинлар. Агар ёғийни биз боссақ, суронимиздин билиб, бизнинг ортимиздин келгайлар. Агар ёғий бизни босса, суронимиздин маълум бўлғуси турур, турмай қоча кўрсинлар», – теб иттифоқ қилдилар. Жалолиддин султон бошлиғ Яхшихожани – Урик Темурнинг улуғ ўғли эрди, яна бир неча отға боруртек ўғлонларни сайлаб чиқардилар. Жалолиддин султон ул маҳалда ўн икки ёшинда эрди. Яхшихожа ҳам ул қадар эрди.

Булар бу кеча ўркуннинг ёнинда ун эшитилур чоқли ерда борур эрдилар. Туннунг бир пахши (қисми) ўтқанда хон буларнинг сўнгидин қувиб етди. Кўчларин (аёлларини) олинға солиб, сўнгидин ясол ясаб борур эрдилар. Хон айди: «Бу киши биздин кўп турур. Ногоҳ тонг отиб, бизнинг озлиқимизни кўрса, ёмон турур. Кеча бирла ўқ шовқун солиб тегали.

¹ Жалолиддин Султон Тўхтамишхоннинг ўғли бўлган.

Озли-кўплигимизни билмас, қочар». Тақи сурон солиб тегдилар. Бир тўлғашибки чиқдилар, Урик Темурнинг оти йиқилди, фарёд қилиб айтур эрди: «Эй номард Тўхтамиш! Сўзимиз андоғму эрди? Қайтиб тўлғанса, мен қолдим!» Ул аснода ул ўғлонлар отларининг бошин тортиб, бир ерда туруб қулоқ солур эрдилар. Яхшихожа отасининг унин таниди, Жалолоддин султонға айди: «Кўрдингму? Ул менинг отам турур, ани тушурдилар, Дамбадам сенинг отангни ҳам тушурурлар. Оталаримиздин айрилиб биз ёш ўғлонлар не кун кўргаймиз? Биз ҳам бирга ўлганимиз яхшироқ дегулму (эмасми)?» — теди эрса, Оллоҳ таолонинг нусрати бирла Жалолоддин султон тақи ўғлонлар қўлга (асосий лашкарга) тофа келиб (от чоптириб келиб) ҳар бириси бир шермард йигит бикин сурон солиб, бир йўла от солдилар. Хон кишилари кўрқуб тизгинларин тортдилар. Тўхтамиш ўғлон ёғийға қайта салғоч келибки тегдилар, Урик Темурни кўтариб олгач кетдилар. Хон кишисининг отларининг бўйни қотиб келиб эрди, кўп кишисини шундоқ — ўқ олдилар. Вали сўнгинда қўли (асосий кучлари) бор, теб яхши қува олмадилар. Тушкан кишини шул ерда ўқлаш қилдилар (яъни отиб ўлдирдилар) ва от-яроғин олиб, сўнгинча юрий бордилар. Хоннинг қўлга тушмаган кишилари овлоқ чиқиб йиғилдилар. Кўрарлар ҳеч ерда хон йўқ. Буларнинг бириси айди: «Мен хон қошинда эрдим. Хонни икки киши келиб тутғонин кўрдим. Андин сўнг не бўлғонин билмадим». Қайтиб уруш еринга келдилар, хоннинг ўлукин топдилар. Филҳол хоннинг майитин олиб, қайта эвларига қочдилар. Улар ҳам (яъни Тўхтамиш одамлари) сўнгимиздин хон етар, теб ул ёнға қочдилар. Ўрусхоннинг ўлганининг кайфияти (тафсилоти) бу эрди.

Ўзбеклар айтувлар: «Жалолиддин ўғлон эканинда бир бўлак ўғлонларни бошлаб, отаси бирла Ўрусхон уруша турғонда кўндалангдин от солиб, Ўрусхонни босиб ўлтурди», – теюрлар. Жихати бу турур.

Тўхтамиш ўғлон Ўрусхоннинг ўлганин билмай қочиб, Кўкадой Йисбуғо теган яхши ўтлоғли-сувлоғли ерлар бўлур, ул ерга бордилар. Ул аснода Шайбонхон набираларидин Илфокхоннинг ўғли Қонбой ўз элининг ичинда хон бўлуб, Кўкадойни ёйлаб эрди, анинг қошиға келди. Ул тақи анга беҳурматлик қилиб Танг колида (Дон дарёси қуйилишида) ўрун берди. Тўхтамиш бир неча кун юригандин сўнг иноқлариндин Қонбойга айтурди: «Эрклик киши хон – ўз отам-оғам турур. Мен уларнинг қиличин чопарға йўбонмен (бурчлиман?). Қора киши Мамай халқулусни тамом олиб турур. Хон (Қонбой) бизга бош бўла борсалар, анинг (Мамайнинг) устига юрисак. Тангри таоло ани бизга берса, худ азамат улуғ хон бўлур эрдилар. Бизлар ҳам отли-тўнли бўлур эрдук». Қонбой ҳам бу сўзни эшитиб, бошда отланурни ўхшатиб эрди. Сўнгиға қайта кенгаш этиб, отланурни бартараф қилди. «Шайбонийники эгри кенгаш», – теб Қонбойға бу сўздин лақаб қолди.

Чун Тўхтамиш ўғлон Қонбойи мазкурдин ноумид бўлди эрса, ижозат тилаб кетар бўлди. Ул маҳалдаки Араб ўғлон, ҳазрати Ёдгорхоннинг учунчи отаси (аждоди) турур, Қонбой билан икки уя ўғлонлари (яъни яқин қариндошлари) эрдилар, бисёр мунъим-молвор (бой-бадавлат) эрди. Ул Тўхтамиш ўғлонни чорлаб эвга тушурди. Отлар-қўйлар кўп ўлтуруб, яхши меҳмондорлиқлар қилғондин сўнг айди: «Ҳоло оғо бўлуб элимизга бош бўлуб турғон кишимиз – Қонбой эрди. Бу бошлаб отланғай, теб умидвор эрдук. Бу бадбахт эгри борди, отланмади. Бу чоқли от отониб (ном қозониб) турғонда мунунг ёсосини бузуб

кетмакни, ўзумга ўхшата олмаймен. Сени илгари ҳам эшитканмен, умидлик, яхши киши кўруна турурсен. Тангри таоло ишингни ўнгдур қилғай. Бир йўли мендин сенга ҳиммат — мадад ул турур: йилқимни суриб, олинға солайин. Соғар бияларим менга қолса, етар. Отдин, байталдин ҳар не йўлунгға ярар чоқди бўлса, олиб кетгил», — теб йилқисин келтуруб олинға солди. Айтурлар, Тўхтамишға дўнон, бешлик отдин ва байталдин бошқа олтмиш тўрт таналиф от тутдилар.

ДОСТОНИ ТЎХТАМИШХОН

Тўхтамишхон ўғлон андин отланиб Эдил дарёсига келди. Сарой шаҳринда хон-султон йўқ эрди. Келиб Саройни олди. Тақи одина (жума) масжидинда иттифоқ қилиб, хутба ўқуб хон бўлди. Отланиб Қиёт Мамай устунга юриди. Мамай ҳам азим лашкар била қаршу келди. Қаттиғ уруш бўлди. Мамаининг лашкари босилди, ўзи ҳам қўлға тушди, ўлтурдилар. Элқунин кўчуриб, Эдил дарёсининг бўйинға келтурдилар. Бу қаррат Тўхтамишхон Сарой шаҳринда Сойинхон тахтинда улуғ подшоҳ бўлди.

Жонибекхондин қолғон навкар-элларнинг кўпи Мамайда эрди. Мамайни ўлтуруб элқунин ва навкар-савдарин олиб Сарой вилоятинғаки келди, Дашт вилоятиндақи ҳар қайда саркаш бўлуб, бош кўтариб юрган кишилар чорасиз бўлуб, ўзлари келиб мутеъ бўлуб, навкар бўлдилар. Қонбойи мазкур ҳам келди. Анга: «Ўзунг берган ўрнунгдур», — теб Танг қолида ўрун берди. Аммо Араб ўғлонға туруб кўришди. Ўнг қўлдин юрутиб, ўзинга ёнаша ўлтуртуб ёриш сундурди. Ул мажлисда жатба йирлар (қўшиқчилар) айтурлар:

Сен Кўкадайда хон бўлдинг,
Кўрачиқинг кўпдурдинг

(Кўкрагингни шиширдинг),
Биз сенга кўп тўнгқайиб бош урдук,
Кетимиздан нега келдинг, Қонбой? —

теб йирлар эрди.

Алқисса, кўп турлик иноятлар ва суюрғоллар Араб ўғлонға қилиб ҳукм қилдиким: «Шайбонхонға тааллуқ эл-кун бари сенга йиғилсунлар. Ва ҳар қайда хожа-сидин қочғон қул, ясоғдин қочғон эл бўлса...»¹

¹ Асарнинг Шарқшунослик институтида сақланаётган кўлёзма нусхасидаги матн шу ерда узилиб қолган.

МУНДАРИЖА

Туркий наср ёдгорлиги	3
Муқаддима	6
Достони Чингизхон	8
Эжонхон ва Сойинхон	9
Достони Шайбонхон	13
Достони Беркахон	15
Достони Мунг Темурхон	22
Достони Тўқтагахон	22
Достони Ўзбекхон	26
Ҳикояти сабаби исломи Ўзбекхон	27
Достони Жонибекхон	30
Достони Бердибекхон	31
Достони Хизрхон	32
Достони Ўрусхон	38
Достони Тўхтамишхон	45

У 32 **Ўтамиш Ҳожи тарихи.**
XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. — Тошкент.: «O‘zbekiston», 2009. — 48 б.

ISBN 978-9943-01-339-1

ВВК 84(5Ў)6

**Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад
Дўстий**

ЎТАМИШ ҲОЖИ ТАРИХИ

Муҳаррир *Л. Игамова*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*
Мусахҳиҳ *Ш. Орипова*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Босишга рухсат этилди 05.12.08. Бичими 84×108^{1/32}.
«Балтика» гарнитурда офсет усулида босилди.
Шартли б.т. 2,52. Нашр т. 2,25.
1000 нусхада чоп этилди. Баҳоси шартнома асосида.
Буюртма № 08-224.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.